2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 67 (67), 2020 йил 25 апрель, шанба

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

“САХОВАТ ВА КЎМАК” УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИ ТАШАББУСИ АТРОФИДА БИРЛАШАЙЛИК!

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР ВИЛОЯТЛАР КЕСИМИДА МАНЗИЛЛИ КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 24 апрель куни аҳоли бандлигини таъминлаш ва иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини тиклаш масалалари муҳокамасига бағишланган навбатдаги видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бир ойдан ортиқ давом этаётган карантин шароити барчага, энг аввало, давлат бошқаруви идоралари раҳбарлари учун синов ва тажриба бўлмоқда. Пандемиянинг аҳоли турмуш тарзига, тадбиркорлар фаолияти ва иқтисодиёт тармоқларига таъсирини юмшатиш бўйича видеоселектор йиғилишлари ўтказилиб, аниқ вазифалар белгилаб борилмоқда.

22 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида иқтисодиёт тармоқларини барқарор ишлатиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари Самарқанд ва Наманган вилоятлари мисолида муҳокама қилинган эди. Бу галги йиғилишда Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида шу борада амалга оширилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Фарғонада 120 нафар, Қашқадарё вилоятида 6 нафар фуқаро коронавирус билан касалланган.

Карантин даврида Фарғона вилоятида 10 минг, Қашқадарёда 11 мингта корхонанинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари кескин камайган. Бунинг оқибатида айни пайтда ишсизлар сони ошган. Бундан ташқари, Фарғонада 56 мингта, Қашқадарёда 91 мингта эҳтиёжманд оила мавжуд.

Йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ушбу вилоятлар ҳокимларига касаллик юқтириш хавфи юқори, ўрта ва паст даражада бўлган туман ҳамда фаолият турларини таҳлил қилиб, карантин чекловларини босқичма-босқич юмшатиш бўйича Республика махсус комиссиясига таклиф киритиш топшириғи берилди.

Жорий йилда қурилиш ва реконструкция ишлари учун Фарғона вилоятидаги 130 та объектга 632 миллиард сўм, Қашқадарё вилоятидаги 132 та объектга 536 миллиард сўм ажратилган. Лекин биринчи чоракда маблағларни ўзлаштириш ва лойиҳаларни амалга ошириш режадагидан анча ортда қолган.

Президентимиз аҳоли бандлигини таъминлаш учун қурилишларни давом эттиришга рухсат берилганини инобатга олиб, мазкур вилоятлардаги объектларда белгиланган ишларни жадаллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш – энг долзарб масала. Бу борадаги катта резервлардан бири эса, боғ ва токзорлар қатор ораларидир.

Фарғона вилоятида 34 минг гектар, Қашқадарёда 22 минг гектардан ортиқ майдонда боғ ва токзорлар бор. Лекин ҳар йили фақат 20 фоиз қатор ораларига экин экилади, холос.

Шундан келиб чиқиб, ушбу вилоятлар ҳокимларига мавжуд боғ ва токзорлар қатор ораларига тўлиқ экин экилишини ташкил қилиш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Фойдаланишдан чиққан ва лалми ерларда қудуқ қазиб, аҳолига бўлиб бериш зарурлиги қайд этилди. Бунинг учун Фарғонага 15 миллиард сўм, Қашқадарёга 11 миллиард сўм ажратилган.

Кам таъминланган оилаларга қорамол, паррандa ва асалари уяси тарқатиб, кооперация асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Бу йил сув камлиги сабабли Ўзбекистон, Учқўприк, Ёзёвон, Қўштепа, Миришкор, Нишон, Муборак ва Касби туманларида такрорий экинларни суғоришда қийинчиликлар бўлиши мумкин. Шу боис, ушбу ҳудудларда сув кам талаб қиладиган, экспортбоп дуккакли экинлар экиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Ғалладан бўшаган майдонларнинг 50-60 фоизига фермер ўз ишчилари билан экин экиши, қолган қисмини карантин шароитида вақтинча ишсиз қолган ва кўмакка муҳтож аҳолига бўлиб беришни ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимлари карантин қоидаларига амал қилган ҳолда корхоналарни ишга туширишни, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан ҳисобот берди.

Шунингдек, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида эҳтиёжманд оилаларга манзилли моддий кўмак бериш борасидаги ишлар, тадбиркорлар илгари сурган ташаббуслар ҳақида қайд этилди.

ЎзА

ЭЗГУ ИШГА КАМАРБАСТАЛИК — МАҚСАДИМИЗ



Олимжон БОБОХОНОВ,
“Art soft holding” компанияси бошқаруви раиси

Маълумотларга кўра, коронавирус пандемияси сабабли дунёдаги миллионлаб корхона ва ташкилотлар ўз фаолиятини тўхтатгани 2 миллиард 700 миллион ишчини ишсиз қолдирган. Жаҳонда камбағал аҳоли сони қарийб 2 баравар ёки 500 миллион кишига кўпайиш хавфи юзага келмоқда.

Мамлакатимизда ҳам карантин туфайли 196 мингта корхонада ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми кескин камайган, табиийки, ишсизлар сони ҳам ошган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан шундай мураккаб вазиятда халқимизни тиббий-ижтимоий муҳофазалаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, глобал иқтисодий инқирознинг ишлаб чиқариш тармоғига салбий таъсирини юмшатиш борасида ўз вақтида амалга оширилаётган чора-тадбирлар жамиятимизда барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили бўлаётир. Куни кеча Президентимиз раислигида аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромади кескин камайишининг олдини олиш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борадаги ишлар яна бир карра таҳлил этилди.

Тадбирда, шунингдек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илгари сурилган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатига муносиб улуш қўшаётган корхоналарнинг эзгу ишлари, тадбиркорларнинг, саховатли юртдошларимизнинг хайрли амаллари хусусида сўз юритилди.

Давоми 2-бетда

БУ КУНЛАР — СИНОВ ДАВРИ



Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

Коронавирус таҳликаси элнинг бошига кутилмаган ташвиш олиб келди.
Бу хавф-хатарга қарши курашнинг Ватанимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар жараёнига хос шиддат билан амалга оширилиши эса мени, рости, жуда ҳайратга солди.

Давоми 2-бетда

Таҳлил ва таққос

РАҚОБАТДОШ МИЛЛИЙ ТРАКТОРЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Асл маъноси “техние” деган сўзга тақалиб борадиган тушунчада санъаткорона, устамонлик, маҳорат билан бажариш, деган маънолар мужассам. Тараққиёт эса техника тушунчаси мазмунини тубдан кенгайтириб юборди.

Давоми 3-бетда

“САХОВАТ ВА КЎМАК” ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ ВА САРФЛАНАДИ?



ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ

- “САХОВАТ ВА КЎМАК” ЖАМҒАРМАСИ
- ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИНМАЛАРИ
- ТУМАН (ШАҲАР) БЎЛИНМАЛАРИ

ЖАМҒАРМА МАБЛАҒЛАРИНИ ТАСАРРУФ ЭТИШ ҚУЙИДАГИЛАР ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

РЕСПУБЛИКА МИҚЁСИДА

“МАҲАЛЛА” ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИҚЁСИДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ

ТУМАН(ШАҲАР) МИҚЁСИДА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ

ЖАМҒАРМА МАБЛАҒЛАРИ

ҲОМИЙЛИК ВА ХАЙРИЯ МАБЛАҒЛАРИ, ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДА ТАҚИҚЛАНМАГАН БОШҚА МАНБАЛАР ҲИСОБИДАН ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ



- ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ
- КУНДАЛИК ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ
- ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА БОШҚА МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ УЧУН ИШЛАТИЛАДИ

- ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ОИЛАЛАР
- КЎП ФАРЗАНДЛИ ОИЛАЛАР
- НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР
- ЁЛҒИЗ ҚАРИЯЛАР
- ЎЗ ДАРОМАДИНИ ЙЎҚОТГАН ВАҚТИНЧА ИШСИЗ БЎЛГАН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН ЙЎНАЛТИРИЛАДИ

ТУМАН ВА ШАҲАРЛАРДА

ҲАФТАЛИК ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИГАН **ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАР РЎЙХАТИ** ВА УЛАРГА КЕРАК БЎЛАДИГАН МАБЛАҒЛАР, КУНДАЛИК ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ, ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА БОШҚА **МАҲСУЛОТЛАР ҲАЖМИ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ**

МАНБА:
“Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойиши

Бу эзгу ишларга виждон амри билан, давлатимиз ва халқимиз олдидаги фарзандлик бурчимизни бажариш учун қўл уряпмиз. Чунки Президентимиз шунча имконият яратиб бермаганида, қўллаб-қувватламаганида, биз бугун тадбиркорлик фаолиятимизни ривожлантира олмаган, шундай марраларни кўзлаб турмаган бўлар эдик.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 25 апрель, 67-сон

“САХОВАТ ВА КЎМАК” УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИ ТАШАББУСИ АТРОФИДА БИРЛАШАЙЛИК!

ЭЗГУ ИШГА КАМАРБАСТАЛИК – МАҚСАДИМИЗ



Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги мураккаб ва синовли кунларда халқимизнинг ўзаро меҳр-оқибат, хайр-саховат, инсонийлик, бағрикенглик каби олижаноб фазилатлари янада кучлироқ жўш урмоқда. Бугун бутун халқимиз, ёшу қари бир ёқадан бош чиқариб, бир мушт бўлиб пандемияга қарши курашиш борасида давлатимиз томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирларни амалга оширишда якдиллик кўрсатмоқда.

Бунинг натижасида Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказлари томонидан 219 минг оилага озиқ-овқат ва санитария-гигиена маҳсулотлари тарқатилган. Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ва Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан 141 минг 800 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланиб, уларга 43 миллиард 225 миллион сўм иш ҳақи тўлаб берилган.

Йиғилишда кун сайин ўзгараётган бугунги вазиятда аҳоли бандлигини таъминлаш ва муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича чора-тадбирларни янада кучайтириш лозимлиги қайд этилди. Бу бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклади.

2009 йилда ташкил топган корхонамиз яқин-яқингача пахтадан момиқ ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарар эди. 2018 йилда корхонамиз модернизация этилиб, унинг таркибида “Art sost cluster” фермер хўжалиги ҳам ташкил этилди. Бунинг натижасида корхонамизга 42 минг гектар экин майдони ажратилди ва ўз хомашё базамизга эга бўлдик.

Президентимиз 2019 йил 28 февралда Наманган вилоятига ташрифи доирасида корхонамиз фаолияти билан танишиб, илғор технологиялар, замонавий талаблар асосида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш бўйича топшириқлар берган эди. Айни кунларда фаолиятимиз тубдан кенгайиб, кластер усулида ишлашга ўтяпмиз. Хомашё етиштиришдан ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнлар барчаси тизимли қамраб олинади. Иккита пахта тозалаш заводимиз, пахта чигитини чуқур қайта ишлаш корхоналаримизнинг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Келгусида сифатли уруғ етиштириш, дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналаримиз фаолияти йўлга қўйилади. Иссиқхона, чорва, фермер хўжаликлари ташкил этилиб, омихта ем, ёғ ишлаб чиқарамиз. Энг муҳими, янги лойиҳалар ишга тушгач, тўрт мингта янги иш ўрни очилиб, аҳолининг бандлиги таъминланади.

Бугунги оғир иқтисодий таназзул шароитида биз каби тадбиркорлар ва корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича яратиб берилаётган имтиёз ва имкониятлар ана шундай эзгу ишларимизни изчил давом эттириш ва янги-янги режалар тузишга ундамоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари илгари сурган эзгу ташаббус – “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатига ўз улушимизни қўшишни асосий мақсад қилганмиз. Бунинг учун корхонамиз таъсисчилари ва жамоаси билан келишиб, Наманган шаҳри, Поп, Мингбулоқ ва Янгиқўрғон туманларида 3 минг оилага ёрдам беришга бел боғлаганмиз.

Зеро, бизга ҳамиша тоғдек суянч бўлаётган, доимо қўллаб-қувватлаб келаётган Президентимизга, давлатимизга кези келганда, биз ҳам суянч бўлишимиз, Ватанимиз, халқимиз олдидаги фарзандлик бурчимизни оқлашимиз инсонийликнинг муҳим нишонасидир. Ишончимиз комилки, бугунги синовли дамларда ҳар биримиз ана шундай шарафли юмушларни муносиб уддалаб, эртанги нурафшон кунларга ёруғ юз билан етишамиз.

УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИГА ЎЗ ҲИССАМИЗНИ ҚЎШАМИЗ



Тоҳир ОРТИҚОВ,
тадбиркор, Бўстон тумани “Пиллачи” маҳалла фуқаролар йиғини

Вилоят “Томорқа хизмати” раҳбарияти томонидан киви етиштириш таклифи чиққанида менга беришларини сўрадим. Туман ҳокимининг 2019 йил 1 ноябрдаги қарори билан 10 гектар ер ажратилиб, “Микрокредитбанк” томонидан 1 миллиард сўм миқдорида кредит олишга ёрдам кўрсатилди. Унинг 500 миллионига 50 сотих ерга замонавий иссиқхона қурдик.

Украинадан олиб келинган киви, Россиядан келтирилган пальма дарахти уруғларидан ўзимиз кўчат ўстириб, 10 минг тупдан киви ва пальма экдик.

Бундан ташқари, туман ободонлаштириш бўлимига 8 минг туп манзарали гул етиштириб бердик. Биринчи йил бўлишига қарамай, гулларимиз ҳатто наманганлик уста боғбонларникидан ҳам барвақтроқ очилди. Харидорларимиз кўпайиб, 10 миллион сўмлик гул сотдик. Кейинги йил кўпроқ экишни ният қилиб турибмиз.

Пальмага келсак, вилоятимизда бу манзарали гулнинг ҳам бозори чаққон бўлиб турибди. Турли вилоятлардан харидор бўлаётганлар ҳам бор. Масалан, Хатирчи туманидан қўнғироқ қилиб, 4 минг туп киви билан бирга 1000 туп пальмага ҳам буюртма беришди. Айтмоқчиманки, секин-аста вилоятларда ҳам одамлар пальмани ҳовлиларига, идора, ташкилотларнинг кираверишларига эка бошлади. Чунки у алоҳида эътибор талаб қилмайдиган, совуққа чидамли гул экан. Пальмалар ҳозир ярим метрга яқинлашиб қолди.

50 сотих еримизни мевали боғ қилиш мақсадида четдан келтирилган олма, нок, бодом каби мевали кўчатларни экдик. 4 гектар майдонни эса сабзавот экинлари — қовун-тарвуз, бодринг, помидор билан банд қилдик. Уларнинг кўчатларини ҳам ўзимиз етиштирдик. Ҳозир “Пиллачи” маҳалла фуқаро йиғини ходимлари маҳаллада киви етиштиришни йўлга қўйиш мақсадида хонадонлар шароитини ўрганяпти. Биз имконияти бор оилаларга иссиқхона қуриб, кўчатни экиб бериб, парваришлаш йўлларини ҳам ўргатамиз. 20 та хонадонга 20 тадан киви кўчатини текинга бермоқчимиз.



Пандемия туфайли солиқларнинг узайтирилгани, аксарият банклар томонидан кредитларни тўлашнинг тўхтатиб турилгани эса айни муддао бўлди. Уч йилгача имтиёзли давр берилгани боис, солиқ тўламаётган бўлсам-да, карантин сабаб кредит тўлашга ҳам қийналар эдик. Харидорлардан буюртмаларни олганимиз билан ҳаракат чеклангани учун етказа олмадик. Карантиндан сўнг, албатта, республикамизнинг барча ҳудудларидаги мижозларимизга кўчатларимизни етказиб берамиз. Шу ўринда Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатига тадбиркор сифатида ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан бахтиёрлигимни айтмоқчи эдим. Туманимиздаги йигирмадан зиёд маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларга 100 минг туп помидор, булғор қалампири каби кўчатларни тарқатдик. Зеро, давлатимиз раҳбари бугун тадбиркорларни ижтимоий ҳимоялашда катта куч сифатида эътироф этяпти. Бу эса бизга куч бағишлайди.

ТАШАББУСНИ ТАДБИРКОРЛАР БИРДЕК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Шавкат ЖАЛОЛОВ,
Самарқанд туманидаги “Agromir group” уюшмаси директорлар кенгаши раиси

“Имкониятидан келиб чиқиб, қайсидир тадбиркор бир ойда, мисол учун, 10 та, бошқа бири эса 20 та оилага кўмаклашиши, энг муҳими, муҳтож оилалар аъзоларини ишга жалб қилиши мумкин. Давлат томонидан, ўз навбатида, бундай тадбиркорларга солиқ, лизинг, кредит тўловлари, зарур ресурслар билан таъминлаш бўйича турли имтиёз ва преференциялар берилади. Яъни бу аҳолига давлат томонидан тадбиркорлик субъектлари орқали кўрсатиладиган саховат ва кўмак бўлади”.



Президентимизнинг бу фикри мен каби минглаб тадбиркорларни бугунги синовли кунларда ён-атрофимиздаги эҳтиёжманд ва муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатишдек эзгу ишларга ундади. Чунки тадбиркор сахийлик қилади, бунинг ортидан ҳурмат, обрў орттиради, давлат эса унинг бу ишига яраша имконият, имтиёз беради.

Давлатимиз раҳбарининг бу ташаббусини қўллаб-қувватлаб, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатига қўшилдик. Аввало, корхонамиз тасарруфида алоҳида боғдорчилик уюшмаси ташкил этдик. Унинг ихтиёридаги 600 гектардан зиёд ерда янги токзорлар барпо этиш ишларини бошладик. Бунинг учун мингта оилани қарамоғимизга олиб, шундан 500 дан зиёд камбағал оилани кооперативга доимий ишга олдик ва янги токзорлар орасини уларга бўлиб бердик. Айни кунларда улар бу майдонларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бошлади.

Яна 500 оилага қирқ кунда ҳосил олса бўладиган бодринг уруғини тарқатдик. Шунингдек, Самарқанд шаҳрининг Қорасув массивида барпо этилаётган кўп қаватли уйлар қурилишига 100 кишини ишга олдик. Муҳими, уларнинг уч ойлик озиқ-овқат таъминоти, дала ва қурилиш объектига келиб-кетиш харажатларини ўзимиз қоплаймиз.

Биз янги иш ўринларини яратиш учун яна бир неча истиқболли лойиҳани амалга оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Шулардан бири Самарқанд туманининг тоғли ҳудудида 2 минг гектарлик интенсив боғ барпо этиш лойиҳасидир. Тўлиқ томчилатиб суғориш тизимида ташкил этиладиган боғ лойиҳаси шу йилнинг охиригача амалга оширилади ва бу ерда 2 минг киши доимий иш ўрнига эга бўлади.Умуман олганда, уюшмамизда ишловчилар сони 10 минг нафарга етади.

Бу эзгу ишларга виждон амри билан, давлатимиз ва халқимиз олдидаги фарзандлик бурчимизни бажариш учун қўл уряпмиз. Чунки Президентимиз шунча имконият яратиб бермаганида, қўллаб-қувватламаганида, биз бугун тадбиркорлик фаолиятимизни ривожлантира олмаган, шундай марраларни кўзлаб турмаган бўлар эдик.

БУ КУНЛАР – СИНОВ ДАВРИ

Бошланиши 1-бетда

Аввал пандемиянинг феълу атворидан келиб чиқиб, унинг йўлига иккиланмасдан тўсиқлар қўйила бошланди. Мана шу йўлдаги азму қарорларнинг аниқлик билан ўз пайтида қабул қилиниши ва ҳаётга қатъийлик билан жорий этилиши эса эл-юртимизнинг эгаси борлиги — халқ бу офат билан якка-ёлғиз қолмаслигини бир неча кундаёқ барчага аён этди. Ғайрат билан тўлиб-тошган ташкилотчилик, бу ташкилотчилик мағзидаги ишнинг кўзини билиб қилинаётган саъй-ҳаракатлар фақат ва фақат одамларнинг соғ-саломатлиги, эсон-омонлиги йўлидаги жонбозлик эканини одамлар англади.

Идоралар, ишхоналар, боғчалар, мактаблар, олий ўқув юртлари ёпилди. Кўчалар, маҳаллалар, қишлоқлар назоратга олинди. Фуқаролар кўча-кўйда ниқоб тақиб юришни одат қилишлари лозимлиги уқтирилди. Хориждаги фуқароларимиз ҳам эсдан чиқмади. Улар пешма-пеш самолётларда, поездларда олиб келиниб, муайян муддатга карантинга олинди. Бу тадбирлар бало-қазо тарқалиб улгурган мамлакатлардан келадиган ватандошларимиз соғлиғи учун, уларнинг оиласи, яқинлари, қолаверса, Ватандаги қоракўзлар эсон-омонлиги учун амалга оширилди.

Каратиндагиларга иззату ҳурмат кўрсатилди. Улар доимий тиббий назоратда. Еб-ичишлари, ётиб-туришлари учун қулай шароитлар яратилган. Мамлакатимиздаги энг яхши дам олиш масканлари уларнинг ихтиёрига берилди. Мисли кўрилмаган тезкорлик билан улкан карантин ҳудудлари барпо этилди. Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ходимлари сафарбар этилди. Тиббиёт ходимлари эса жонбозлик намунасини кўрсатиб, беморларнинг дардига малҳам бўла бошлади. Зудлик билан янги тиббиёт ускунлари, касалликни аниқловчи тест тизимлари сотиб олинди. Зарурат юзасидан уйда ўтирган талабалар, ўқувчилар учун онлайн дарслар ўтилиши йўлга қўйилди. Камхарж оилаларга узлуксиз ёрдам бериш марказлари ишга тушди. Маҳаллаларда кўчма бозорлар ташкил этилди...

Саноқли кунларда амалга оширилган бу маҳобатли ишларнинг кўлами ҳайрату лол қолгуликдир. Энг муҳими, бу ишлар Ўзбекистоннинг азиз фуқаролари коронавирус деган офатнинг кўринмас чангалидан азият чекмасин, деб амалга оширилаётганини одамлар ҳис қилди.

Улар Ватанлари борлигини, бу Ватан уларни офат билан ёлғиз қолдирмаслигини, ғамхўрлигини, меҳру муҳаббатини, мурувват саховатини англадилар. Ватан сўзи энди ўзгача маъно касб этди. Одамларнинг кўз олдида Ватан улуғвор қиёфада намоён бўлди...

Яна бир муҳим жиҳат. Янги Ўзбекистонни яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар — ислоҳотлар ҳам аслида одамлар учун эканини фаҳмли кишилар яна бир бор дилдан ўтказдилар. Ватани борлигини ҳис этиш энг улуғ туйғудир. Аслида мустақилликни орзу этган, унинг амалда йўқчиликдан ривожланиш сари барпо бўлаётганини кўриб турган ёши улуғ ватанпарвар авлод вакиллари Ўзбекистон деган юртнинг қиёфасини шу тарзда тасаввур этганлар. Буюк жадид боболаримиз — Маҳмудхўжа Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби миллатнинг озодлиги йўлида жонини фидо этганларнинг орзусидаги Ватан ҳам худди шундай қиёфада бўларди, деб ўйлайман. Аниқ. Худди шундай бўлади. Чунки тарихдан озми-кўпми хабари бор муаллифингиз бу мақолани ёзиш жараёнида ўйлаб кўриб, таққос учун бирор-бир мисол тополмади.

Ватаннинг бундай қиёфаси ўз-ўзидан барпо бўлгани йўқ. У юксак руҳли одамларнинг матонати туфайли дунёга келди ва келяпти.

Халқни қадрлаш ҳақидаги гап-сўзлар ҳар бир одамнинг қадру қимматига етилганидагина моддий кўриниш олади. Шу кунларда бу тарзда одамлар қадрига етиш ҳар қадамда учраб турибди.

Мисоллар келтираман. Менинг Алишер Мирзо деган қадрдон дўстим, тенгдошим бор. Ниҳоятда истеъдодли рассом. Ўз касбида — тасвирий санъатда ниҳоятда катта ишларни амалга оширган. Ўзбекистонда ҳам, хорижда ҳам довруқ таратган. Ана шу одам кейинги пайтда китоблар ёза бошлади. Китобларини ўқиб, шундай дўстим борлигидан фахрланиб юрибман. Шу кунлар у кечаю кундуз бош кўтармай ишлаяпти. Китоб устига китоб битяпти. Етмишдан ошиб қолган ижодкорнинг бу меҳнати, албатта, мардонавор руҳнинг маҳсули.

Ана шу дўстим билан яқинда телефонлашиб қолдик. У менга қизиқ бир воқеа айтиб берди.

Хуллас, Алишерга бир дори керак бўлиб қолибди. Уйи атрофидаги дорихоналардан суриштирса, топилмабди. Узоқроққа борай деса, карантин. Телевизордан карантин муносабати билан кексаларга беминнат хизмат кўрсатилаётганини эшитган рассомимиз уларга қўнғироқ қилибди. Қарабсизки, бир кун ўтмасдан ўша дорини келтириб беришибди. Қалай?

Алишер хурсанд. Мен ҳам беминнат хизмат қилаётганларни роса алқадим. Шундай оғир кунларда ҳар бир инсоннинг оғирини енгил қилаётганларнинг оти нима бўлади? Оти ўша, юқорида айтганим, Ватан! Шундай Ватанда яшаётганимиздан фахрландим.

Яна бир мисол. Сервер Жепаров деган футболчи бор. Ўзбек футболига меҳнати сингган инсон. Терма жамоамизнинг сардори бўлган. Икки марта Осиёнинг энг яхши футболчиси деб тан олинган. Машҳури олам! Шу одам ота юрти Татаристондан Тошкентга самолётда ўғли билан учиб келади. Тошкентда эса карантин. Уларни янги қурилган карантин минтақасига элтиб жойлаштиришади.

Яқинда Сервернинг карантин муддати тугаб, уйига қайтди. Умр бўйи қаттиқ меҳнатга ўрганган (профессионал спорт оғир, заҳматли иш) йигит интернетда миннатдорлик билан тўлиб-тошган хатини эълон қилди.

Унинг айтишича, карантиндаги тўрт кишилик хонада яшаш учун олий даражада шароит яратилган экан. Кондиционер, музлаткич, телевизор, телефон, чой қайнатадиган мосламалар, чойнак-пиёлалар... У карантиндагиларга берилаётган таомларни бирма-бир санаганда эса, ў-ҳў, курорт-ку, деб юбордим. Ҳеч нарса унутилмаган, эҳтимол, бадавлат одамларнинг дастурхони ҳам бу қадар бўлмас. Яна бу меҳмоннавозликнинг барчаси — бепул! Ўша Ватанга айланиб бораётган давлат ҳисобидан! Тиббиёт ходимларининг беминнат хизматларини ҳам спортчи қайта-қайта эслаган ва миннатдорлик билдирган!

Бу ҳол бизнинг мамлакатда ўз фуқароларига бефарқ бўлмаган юксак руҳли жонкуярлик борлигидан далолат беради.

Энди ижодкорларга кўчсак. Улар нима қиляпти?

Ҳақиқий ижодкорлик тартибни, вақтни тежаб сарфлашни ва фидокорликни хуш кўради. У ёлғиз қолингандагина гуллаб-яшнайди. Бу ёлғизликнинг меваси сифатида мардонавор руҳ ва юракни ўстирадиган, одамни одам қиладиган туйғуларга йўғрилган янги-янги асарлар дунёга келади ва улар халқнинг маънавий бойлигига айланади.

Карантин, ўзи билиб-билмай, ижодкорга шундай шароит яратиб берди.

Пушкиннинг ҳаётидан бир лавҳани эсланг. Россияда мана шундай бир эпидемия балоси авж олганда, шоир Болдино деган қишлоқда карантинда қолади. Бунинг натижасида рус адабиётининг гултожи ҳисобланган шеърлар ва достонлар яратилди.

Ҳақиқий ижодкорлар — Ватани борлигини ҳамиша ҳис этадиган инсонлар. Мен Ватанининг дарди билан ёнмаган бирор-бир катта адибни кўрганим йўқ. Бу ўртанишда эса жуда улкан ҳақиқатлар ётади. У сохталикни, ёлғонни, хушомадни, ҳасадни... — шайтоннинг аврашида одамлар руҳига сингишга ҳаракат қиладиган турфа иллатларни тамоман рад этади. Натижада бу рад этиш жараёнидаги талотўплар унинг ижодига кўчади. Бу осон иш эмас. Ҳақиқий истеъдодли — ҳамиша бир қадам олдинда юрадиган инсон. У ўзининг кучли руҳи ва матонати билан мана шу бир қадам йўлни яратади. Шу ўринда Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романини эслашнинг ўзи кифоя. Кечагина сафимиздан кетган ва бугун ижод қилаётган адибларимиз ижодида ҳам мана шу бир қадамни ҳайиқмасдан қўйганлар талайгина. Бу бир қадам эса Ватан равнақини кўриш йўлида қўйилган матонатли қадамлардир. Ҳа, бу бир қадамнинг яна бир омили бор: эзгуликка ташналик.

Бугунги Ўзбекистондаги халққа бўлаётган ғамхўрлик эса ана шу эзгуликнинг юксак намунасидир. Ўзини таниган ижодкорлар бу эзгуликни яратган ва яратаётган раҳбариятнинг саъй-ҳаракатини ҳеч қачон унутмайди. Чунки эзгуликка интилишнинг шу нуқтасида ҳукумат ва ижодкорларнинг халққа, Ватанга бўлган меҳру муҳаббати муштараклик касб этди.

Бу уйғунлик Ўзбекистонда мудом бор бўлишини чин дилдан истаб қоламан.

Коронавирус эса енгилади. Албатта, енгилади.

Энг муҳими, маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникалари харидларини кредитлаш ва уларни лизингга бериш тизимини такомиллаштириш мақсадида тижорат банклари томонидан 50 миллион АҚШ долларлик маблағларни жойлаштириш, 2019-2020 йилларда имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан эквиваленти 60 миллион АҚШ доллари миқдоридаги техникаларни харид қилишни молиялаштириш учун ажратилиши ҳам белгилаб қўйилди.

Таҳлил ва таққос

РАҚОБАТДОШ МИЛЛИЙ ТРАКТОРЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Олимлар фикрича, бугунга келиб у инсон оғирини енгил қилувчи меҳнат қуролигина бўлиб қолмай, балки техника ва технологиялар бутун жаҳон цивилизацияси ривожида асосий ўрин тутмоқда.

Президентимиз раислигида 16 апрель куни саноат тармоқлари барқарорлигини таъминлаш масалалари муҳокама этилган йиғилишда агротехника ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, металл қуйиш қувватларини тезроқ ишга тушириб, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

— Маҳаллийлаштиришдан мақсад, — деди давлатимиз раҳбари, — ўзимизнинг қишлоқларга мос, деҳқонларга тўғри келадиган ҳамёнбоп миллий тракторлар ишлаб чиқариш.

Бу вазифани бажариш масъулияти ва кўламини яққолроқ тасаввур қилиш учун бундан уч-тўрт йил олдин соҳада юзага келган ҳолатга назар ташлаш, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар қай тариқа ҳал этилаётганини билиб қўйиш фойдадан холи бўлмайди.

ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН ВОҚЕА

"Техника — деҳқон қаноти", "Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур". Бу каби иборалар моҳиятини ва улар асосда ишлаш роҳатини деҳқонларимиз яхши билади. Таассуфки, улар яқин пайтга қадар "Эскисини ямагунча эсинг кетар" нақлида ишлашларига тўғри келган. Чунки ўнлаб йиллар мобайнида турли қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштиришга етарли эътибор берилмай келинди. Бунинг оқибатида техника паркининг йиллик янгиланиш даражаси 2-3 фоизга тушиб қолди. Шу боис, 2017 йилга келиб, мавжуд 146 минг 295 та қишлоқ хўжалиги техникасининг 38 фоизи аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган, яъни бутунлай эскирган эди.

Шукрким, 2018 йилдан бошлаб бу борада "муз" кўчиб, деҳқонлар елкасига ҳам кун тега бошлади. Шу йили фермер ва кластерларга 33,7 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб берилди. Бу 2017 йилги кўрсаткичга нисбатан 1,5 баравар кўп эди. Бу деҳқончилик самарадорлигини оширишга мадад берганига қарамай, фермер хўжаликларининг юқори унумли ҳайдов тракторлари билан таъминланиши 75 фоизни, ғалла ўриш комбайнлари — 86 фоиз, пахта териш машиналари — 28 фоиз, қўшқатор чигит экиш сеялкалари — 60 фоиз, дон экиш сеялкалари — 25 фоизни ташкил этар эди. Мева ва сабзавот экинларини етиштиришда қўлланадиган мини механизациялар жуда кам, боғбону соҳибкорлар бу борадаги юмушларни ота-боболари жонига ҳам асрлар давомида ора кирган кетмонга суянишларига тўғри келарди. Қани энди хорижлик ҳамкасбларининг уларнинг ҳам "кетмони" учса, техника барча ишда қўл-қанот бўлса?!

Ҳар бир тармоқ ёки ҳудуд учун орзиқиб кутилган шундай воқеа рўй берадики, унинг тақдирини тубдан ижобий томонга ўзгартириб юборади. Президентимизнинг 2018 йилнинг 12 июль куни Тошкент қишлоқ хўжалиги техникалари заводига ташрифи машинасозлар учун ана шундай воқеликка айланди. Негаки, бу ерда маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, импортни қисқартиришга йўналтирилган 5 та корхонани ташкил этиш лойиҳалари маъқулланди ва том маънода мазкур саноатнинг барпо этилишига тамал тоши қўйилди.

Улардан бири — қиймати 42 миллион доллар бўлган металл қуйиш корхонаси. Йилига заводда халқаро талабларга жавоб берадиган, юқори аниқликдаги 47 минг тонна металл қисмлар қуйилади. Жорий йилда фойдаланишга топширилиши мўлжалланган заводда 250 ишчи ўрни яратилади.

Умумий қиймати 24 миллион доллар бўлган яна 4 та лойиҳа трансмиссия валлари, ғилдирак дисклари, кабиналар ва маҳкамловчи темир буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган. Уларни ишга тушириш натижасида соҳада маҳаллийлаштириш даражаси 60 фоизга етказилади, маҳсулот таннархи 32 фоиз ва импорт йилига 116 миллион долларга камаяди. Бу янги қувватлар нафақат "Ўзагротехсаноатхолдинг" корхоналари, балки "Ўзавтосаноат" тизимида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар, юк транспортлари ва автобуслар учун ҳам бутловчи қисмларни кооперация асосида етказиб беришни таъминлайди.

МУҲИМ ҲУЖЖАТ

Ташрифдан кейин кўп ўтмай, 31 июль куни давлатимиз раҳбарининг "Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини 2021 йил якунига қадар ишга тушириш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди. "Йўл харитаси"да тайёр маҳсулот экспортини ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан 2022 йилда 20 фоизга, 2025 йилда эса 30 фоизга етказиш, замонавий корпоратив бошқариш усулларини жорий этиш учун кичик механизация техникаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, машина-трактор паркларини таъмирлаш ва сервис хизматларни кўрсатишга ихтисослаштириш каби вазифаларга кенг ўрин берилди.

Энг муҳими, маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникалари харидларини кредитлаш ва уларни лизингга бериш тизимини такомиллаштириш мақсадида тижорат банклари томонидан 50 миллион АҚШ долларлик маблағларни жойлаштириш, 2019-2020 йилларда имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан эквиваленти 60 миллион АҚШ доллари миқдоридаги техникаларни харид қилишни молиялаштириш учун ажратилиши ҳам белгилаб қўйилди.

ТЕХНИКА – ЗАМОНАВИЙ, ДЕҲҚОН УЧУН ҲАМЁНБОП БЎЛИШИ КЕРАК

"Uz CLAAS Agro" қўшма корхонаси цехларида бўлсангиз, компьютер графикасининг нафис ва мураккаб чизмалари ақлингизни шоширса, ишлаб чиқариш жараёнларининг узвийлиги диққат-эътиборингизни тортади. Масалан, Марказий Осиёда бармоқ билан санарли ушбу дастгоҳни олайлик. Унинг вакумли ишлаш жараёни ўта мураккаб ҳисобланган бўртма шаклларни ҳам деталларга мухрлаб беради. Энг кейинги авлоддаги лазерли ускуналар эса металл варақларни миллионлаб шаклдаги кесмаларга айлантиради. Бунинг учун уларнинг электрон миясига зарур дастурни киритиб, тугмачани босишнинг ўзи кифоя.

Бу ерда битта DOMINATOR 130 ғалла ўриш комбайнини ишлаб чиқариш учун 7000 дан ортиқ деталь ва қисм зарур бўлади. Унда ишлатиладиган энг майда шайба ва гайкалар, ёрдамчи исмларни ҳам санайдиган бўлсак, бу миқдор янада ортиб кетади. Чунки биргина ҳайдовчи майдончасини тайёрлашнинг ўзи 300 дан ортиқ детални тақозо этади. Жуда оддий туюлган жиҳатларга эътиборни қаратишимиз боиси маҳаллийлаштириш даражасига бориб тақалади.

— Бугунги кунда унинг миқдори 36 фоизни ташкил этяпти, — дейди "Uz Claas Agro" МЧЖнинг маркетинг ва савдо бўлими бошлиғи Аҳмад Мирсаидов. — Режамиз 2021 йилга бориб бу кўрсаткични 60 фоизга етказиш ва деҳқонларга ҳамёнбопликни таъминлаш мақсадида унинг харид нархини тобора пасайтириб боришдан иборат.

"Arion 630" ҳайдов тракторини ва тиркамалар ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. 2020 йилда турли хилдаги 700 дона қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бугунги кунда ишлаб чиқарган техникаларимизга сервис хизмат кўрсатиш мақсадида барча ҳудудларда "Uz Claas Agro" марказлари фаолият кўрсатяпти. Улар негизида дилерлик бўлинмалари ҳам иш олиб боради. Дилерлар ҳар бир ҳудуддаги кластер ва фермерларнинг талабларини ўрганади, шартномалар тузади, буюртмаларни ўз манзилига етказиб беради.

ҚАРОР ИЖРОСИ ВА ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

Президентимизнинг "Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича ўтган вақт мобайнида муайян ишлар амалга оширилди.

— 2019 йили корхонамиз томонидан 11 турдаги 2 минг 659 дона техника ишлаб чиқарилди, — дейди "Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи" АЖ бош директори Муҳриддин Бойқувватов. — Айни пайтда мазкур техникалар Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Афғонистон, Покистон, Озарбайжон ва Ҳиндистонга доимий экспорт қилинмоқда.

Қора ва рангли металларни пайвандлаш, қайта ишлаш, штамплаш, трактор кабиналари ясаш ва бошқа турдаги эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш, бўяш линиялари бўйича Президентимиз қарорида белгиланган ишлар жадал олиб борилмоқда.

Қарорда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари учун янги миллий брендни яратиш вазифаси қўйилган эди. Унга асосан, "CNHI" компанияси билан келишилган холда TD5.110 русумли трактори базасида миллий трактор модели яратилди. Тўлиқ конструкторлик ва технологик ҳужжатлари "CNHI" компанияси томонидан шартнома асосида тақдим этилди.

— Холдингимиз корхоналари томонидан 2020 йилнинг биринчи чорагида 236,2 миллиард сўмлик 1 760 дона қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарилди, — дейди "Ўзагротехсаноатхолдинг" компанияси маркетинг ва савдо бошқармаси бошлиғи Мирфаёз Мирсоатов. — Бу 2019 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 140 фоиз ошганлигини кўрсатади.

Техника ишлаб чиқараверши мумкин. Лекин улар сотилмай омборларда чанг босиб ётса, кимга фойда?

— Президентимиз 16 апрель куни саноат тармоқлари барқарорлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинган йиғилишда компаниямиз фаолиятини таҳлил этар экан, айнан техникаларни ўз вақтида сотиш учун харидор билан ишлаш тизимини ривожлантириш, фермер ва деҳқонларга бу борада кредит имтиёзлари бериш зарурлигини қайд этди, — дейди Мирфаёз Мирсоатов. — Тўғри, илгарги йиллар билан таққослаганда мазкур йўналишдаги ишда илгарига силжиш катта бўляпти. Масалан, жорий йилнинг 15 апрелига қадар 1547 дона қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб берилди ва бу кўрсаткич 2019 йилдаги ана шу даврга нисбатан 3 баробар ортиқ бўлди.

Йиғилишда вазифа қўйилганидек, эндиликда техникаларни электрон буюртма асосида сотиш тизимини жорий этишимиз зарур. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги машиналаримиз сифати ва нархини хорижники билан рақобатдош даражага келтиришимиз зарур. Жаҳоннинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда умумий қиймати 78 миллион доллар бўлган бешта инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши маҳаллийлаштириш даражасини 60 фоизга олиб чиқади. Бу жараённи ишлаб чиқаришни оптималлаштириш билан қўшиб олиб борсак, давлатимиз раҳбарининг топшириғини бажаришга эришамиз.

Йиғилишда яна бир муҳим масала — пахта теримини механизациялашни жадаллаштириш, жорий йил сентябргача жойларга камида 1000 та пахта териш машинаси етказиб бериш, барча ҳудудларда сервис марказлари ташкил этиш вазифаси белгилаб берилди. Бизга тақдим этилган маълумотларга қараганда, "Ўзагротехсаноатхолдинг" компанияси томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида 89 та пахта териш машинаси тайёрланган бўлиб, августга қадар улар сони 1 000 тага етказилади. Демакки, пахтакорларнинг йиғим-терим ишлари янада енгиллашади.

Долзарб мавзу

ҲАР ГЕКТАРДАН ҚЎШИМЧА 20 ЦЕНТНЕР

МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШДАГИ АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР, АЛБАТТА, ИЖОБИЙ САМАРА БЕРАДИ

Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент давлат аграр университети ректори, академик



Пандемия барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шундоқ ҳам сўнгги йилларда дунёда аҳоли сонининг кескин ўсиб бориши, глобал иқлим ўзгариши, қурғоқчилик, тупроқ деградацияси ва бошқа турли салбий офатлар натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш масаласи оғирлашиб бормоқда.

Шифокорларнинг таъкидлашича, инсон соғлом ва ишчан бўлиши учун, аввало, қорни тўқ бўлиши керак. Касалликларга бардошли, иммунитети юқори бўлиши учун уларнинг истеъмол қиладиган маҳсулотлари турли-туман ҳамда витаминларга бой бўлиши талаб этилади. Ўзбекистоннинг тупроқ иқлим шароитларида йил давомида бундай маҳсулотлар билан таъминлаш имконияти мавжуд.

Юртимизда бу йилги шароитда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини фақат халқимиз учун эмас, балки "дунё ҳамжамияти, дўстларимиз учун ҳам" деган шиор остида мўл ҳосил олиш мақсадида етиштириш ҳам қарз, ҳам фарздир. Бунинг натижасида экспорт салоҳиятини ва маҳсулотларимиз бозори кўламини кенгайтиришга хизмат қилувчи табиий имкониятлардан самарали фойдаланишимиз ва юқори натижаларга эришишимиз зарур.

Бунинг учун фермерлар, мева-сабзавот кластерлари билан бир қаторда барча томорқа эгаларига ҳам маҳсулот етиштириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Дунёнинг жуда кўп давлатларида бўлдим, лекин давлат раҳбарларидан бирортасининг томорқа эгалари билан учрашувини ҳамда бундай ғамхўрликни кўрганим йўқ. Ҳаттоки эшитганим ҳам йўқ.

Бугунги кунда республикамизда бошоқли дон экинлари ривожланиши ҳамда парвариши авж палласида. Сурхондарё, Навоий, Тошкент, Андижон, Бухоро ва бошқа вилоятларнинг асосий майдонларида ғалла бошоқламоқда. Бу эса ғалла етиштиришда агротехник тадбирларни ўз вақтида маромига етказиб бажаришни ҳамда мавжуд сув ва бошқа ресурсларни тежаш, минерал, маҳаллий ўғитлардан унумли фойдаланишни талаб этмоқда.

Бунда ҳосилни сақловчи муҳим тизимга етарли эътибор берилмаса, зараркунанда ва касалликлар туфайли доимий ва ўта жиддий хавфга, яъни кутилаётган ҳосилнинг кескин камайишига олиб келиши мумкин.

Ҳозирги вақтда илм-фан томонидан қишлоқ хўжалиги экинларининг зарарли организмларига қарши уйғунлашган кураш тизими ишлаб чиқилган бўлиб, унда биологик ҳимояга асосий ўрин берилган. Бу усулда зараркунандалар бутунлай қириб ташланмайди, балки улар миқдори самарали бошқариш орқали иқтисодий зарар етказиш мезонидан паст даражада ушлаб турилади. Асосий мақсад кам сарф-харажат орқали юқори натижаларга эришиш ҳамда атроф-муҳит экологиясини сақлаш ҳисобланади.

Бу йилги қишнинг ўта юмшоқ, асосан, қорсиз, узоқ муддатли совуқларсиз ўтиши ҳамда баҳор мавсумининг эрта келиши агротехник тадбирларни тезкорлик билан ҳамда сифатли ўтказишни талаб этмоқда. Шулар қаторида ғалла экинларига зарар келтирадиган зараркунанда ва касалликларга алоҳида эътибор бериш зарур. Республикамизда 50 турдан ортиқ зараркунанда ҳашаротлар ғаллага зарар етказиши кузатилган. Булардан энг кўп тарқалгани ғалла ширалари, буғдой трипси, зарарли хасва, шилимшиқ қурт, визилдоқ қўнғиз, швед ва гессен пашшалари, ола саратон (цикада), поя арраканши ва бошқалар. Буғдой бу зараркунандалар билан зарарланганда ҳосилдорлик 30-50 фоизгача камайиши мумкинлигини ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Бугунги кунда ғаллага катта зарар келтирувчи зараркунандалардан асосийси хасвадир. У ёппасига ғаллазорларга учиб ўтиб, 7-15 кун ўтгач, уруғочилари тухум қўя бошлайди. Тухумдан чиққан личинкаларнинг 2-4 ёшларга ўтиши буғдойнинг, асосан, сут пишиш даврига тўғри келади. Улар бошоқни сўриб, зарар келтиради. Ҳаво ҳароратига қараб, личинканинг ривожланиши 25 кундан 50 кунгача давом этиши мумкин.

Хасва билан зарарланган ўсимликда зараркунанда зичлигига кўра, ҳосилдорлик 30-40 фоизгача камайиши мумкин. Шу сабабли унга қарши кураш ишларида ҳар 1 м² ерда 5-10 та хасва личинкаси тўғри келса, рухсат этилган кимёвий пиретроид препаратларидан бирини қўллаш тавсия этилади.

Зараркунандалардан яна бири шилимшиқ қурт ҳисобланади. У билан зарарланган ғалла майдонларида ҳам ҳосил 50 фоизгача йўқотилиши мумкин. Зараркунанда қўнғизлар апрель ойи бошларида ғаллазорларда кенг тарқалади ва тахминан икки ҳафтадан кейин уруғочи қўнғизлар буғдой баргларига тухум қўйишга киришади. Тухумдан чиққан личинкалар ғалла баргларини еб, ҳосил тўпланишига зарар етказади. Агар ғаллазорларнинг ҳар 1м² ида 40-50 ва ундан кўп шилимшиқ қурт қўнғизи аниқланса ва бошоқлаш даврида 10-15 фоиз барг сатҳи зарарланган бўлса, рухсат этилган кимёвий препаратлардан бирини қўллаш тавсия этилади.

Давомли ёғингарчиликлардан сўнг ўсимлик битлари (ширалар) ва буғдой трипси ғаллага катта зарар етказиши мумкин. Улар экинларнинг ширасини сўриши натижасида ўсимлик заифлашади, яхши ўсмайди, дон шаклланиши секинлашади. Дон пуч бўлиб қолиб, барглар сарғайиб сўлийди. Шунинг учун бу зараркунандаларнинг кенг майдонларга тарқалиши олдини олиш мақсадида биолабораторияларда етиштирилаётган олтинкўз тухумидан 1000 донадан 3 марта, 5-7 кун оралатиб тарқатиш яхши самара бериши илмий-амалий асосланган.

Шунингдек, ғаллазорларда бир қатор касалликларнинг оммавий авж олиши кутилмоқда. Бу ҳолатда уларга қарши курашиш жуда мураккаб бўлишини унутмаслигимиз керак. Касалликлар ривожланишига қарши профилактик чоралар кўриш ҳосилни 90-95 фоизгача сақлаб қолиш имконини беради.

Ўзбекистон шароитида, асосан, ун-шудринг, занг ва доғланиш касалликлари кўпроқ хавф туғдиради. Булардан энг хавфлиси занг касаллиги ҳисобланиб, сариқ занг ва қўнғир занг жиддий зарар етказади. Занг касалликлари ҳатто дон тўлиш даврида учраганда ҳам 30-35 фоизгача ҳосилни нобуд қилиши мумкин.

Буғдойни зангдан ҳимоялашнинг ягона ишончли усули буғдойзорларга фунгицид пуркашдир. Қўллашга тавсия этилган фунгицидлар занг касаллигининг ривожланишини 25-30 кунгача тўхтатиб туриши мумкин. Аммо касаллик босими кучли бўлса ёки далада занг билан бирга, сариқ доғланиш ёки ун-шудринг касалликлари ҳам учраса, об-ҳаво башоратини ҳисобга олган ҳолда, биринчи ишловдан кейин 15-20 кун ўтгач, иккинчи ва яна шунча вақтдан сўнг учинчи ишлов бериш талаб этилади. Занг касаллиги кам учраб, ўсимликларнинг пастки барглари кучсиз зарарланган ҳолларда фунгицидни бир маротаба пуркаш мумкин.

Бу йил ғалла майдонларида намликнинг ортиши ва кунларнинг кескин исиши бегона ўтлар ҳамда улар орқали занг ва бошқа касалликлар ҳамда зараркунандалар кўпайишига қулай шароит яратишини инобатга олиб, бегона ўтларга қарши гербицид, занг касаллигига қарши фунгицид ва зарарли ҳашаротларга қарши инсектицидларни бирга қўшиб ишлатиш тавсия этилади.

Ғаллазорларимизнинг умумий ҳолати бугунги кунда яхши деб баҳоланмоқда. Юқорида тавсия этилган ҳамда бошқа агротехнологик чора-тадбирларнинг бекаму кўст бажарилиши ғаллакорларимизнинг ҳар гектар ердан 20 центнердан қўшимча дон етиштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари, албатта, ижобий самара беришига ишонч уйғотади.

Кластер йирик агросаноат мажмуаси бўлиб, унда пахтани етиштиришдан тортиб, толага айлантириш, мато тўқиш, тикиш, маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён амалга оширилади. Бу эса, бир томондан, аҳолини иш билан таъминлашга хизмат қилади, иккинчи томондан, пахтакорнинг ҳам, кластернинг ҳам, давлатнинг ҳам иқтисодий аҳволини яхшилайди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 25 апрель, 67-сон

Қишлоқ хўжалиги

КЛАСТЕР ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛНИ ЯХШИЛАЙДИ



Камол МАТЁҚУБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Ҳар гал Хоразмга борганимда, бу ердаги қурилиш, ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларини кўриб, хурсанд бўламан. Шундай яшасак бўлар экан-ку, деган фикр кўнгилдан ўтади. Айни пайтда бундан ҳам яхшироқ яшаш имкони йўқми, деган савол пайдо бўлади. Бор, албатта.

2017 йилнинг 12 январида Президентимизнинг "Ургут", "Ғиждувон", "Қўқон" ва "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги фармони қабул қилинган эди. Ўша йилнинг 14-15 октябрь кунлари давлатимиз раҳбари Хоразм вилоятига ташрифи чоғида "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси фаолиятини янада ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти билан танишиб, ҳудуд иқтисодиётига сармояларни жалб қилиш бўйича кўрсатмалар берганди.

Уч йил ичида бу ерда кўплаб ишлар амалга оширилди. Эркин иқтисодий зона учун Ҳазорасп, Боғот, Хива, Урганч туманларидан 414 гектар ер ажратилди. Бу ҳудудда эндиликда умумий қиймати 306 миллион доллардан зиёд 19 та лойиҳа бўйича иш олиб борилмоқда. Ўндан ортиқ лойиҳа амалга оширилиб, автомобиль радиаторлари, қурилиш материаллари, тайёр трикотаж маҳсулотлари, қуёш батареялари, ювиш воситалари, тиббиёт қўлқоплари, пойабзаллар ишлаб чиқариляпти. Шу йилнинг ўзида яна 5 та янги лойиҳа ўзлаштирилиши кутилиб, 9 та лойиҳа устида ишлар давом этяпти.

Тасаввур қилинг, бир пайтлар оддий мих ва гугурт чўпи ҳам хориждан олиб келинган воҳада эндиликда автомобиллар, маиший техника воситалари, тиббий ускуналар ва бошқа кўплаб маҳсулотлар тайёрланяпти. Энг муҳими, бу ерда янги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилиб, минглаб иш ўринлари ташкил этилди.

Биргина "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси Хоразмда юксалиш учун шундай имкониятларни яратиб бераётган экан, ўз-ўзидан савол туғилади: бу каби саноат зоналари вилоятнинг бошқа ҳудудлари — Гурлан, Янгибозор, Қўшкўпир, Шовот, Хонқа туманларида нега ташкил этилмаяпти? Жавоб битта: бунинг учун Президентимизнинг ташаббускорлигидан ташқари вилоят, туман раҳбарларининг, ўша жойларда яшаётган тадбиркорларнинг, шу соҳа мутахассисларининг фидойилиги ва саъй-ҳаракатлари ҳам керак.

Кейинги йилларда юртимизда қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, кластерлар ташкил этиш, аграр соҳани саноатлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг шу йил март ойи бошида Хоразмга ташрифи давомида ҳам бу масала кўп бор тилга олинди. Эътибор беринг, собиқ шўролар даврида пахтакорлар етиштирган бир тонна пахтаси учун, дейлик, минг сўм пул оларди. Шу миқдордаги пахта хомашёсини қайта ишлаб, маҳсулот етиштирувчи корхоналар эса 50 минг сўм фойда кўрарди. Юртимиз истиқлолга эришганидан кейин ер фермерларга бўлиб берилди. Бу пахта етиштиришда фермерларга муайян имтиёзлар яратган бўлса-да, улар пахтачиликда хомашё етиштирувчи даражасидан юқори кўтарила олмади. Шунинг учун мамлакатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахтачиликда кластерлар ташкил этиш таклифини илгари сурмоқда.

Кластер йирик агросаноат мажмуаси бўлиб, унда пахтани етиштиришдан тортиб, толага айлантириш, мато тўқиш, тикиш, маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён амалга оширилади. Бу эса, бир томондан, аҳолини иш билан таъминлашга хизмат қилади, иккинчи томондан, пахтакорнинг ҳам, кластернинг ҳам, давлатнинг ҳам иқтисодий аҳволини яхшилайди. Мамлакатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб кластерлар яратиш борасидаги ташаббускорлиги замирида ҳам ана шу мақсад ётибди.

"Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси ҳудудидаги "Develop Textile" хорижий корхонаси ҳам агросаноатни ривожлантириш мақсадида барпо этилган. Тўқимачиликка асосланган бу йирик лойиҳани ишга тушириш учун 13 миллион АҚШ доллари сарфланган. У тўлиқ ишга туширилгач, 800 нафар одам иш билан таъминланади. Бу ерда йилига 4 минг тонна бўялган чоксиз тайёр трикотаж мато, 14 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. 12 миллион долларлик тайёр маҳсулот дунёнинг турли мамлакатларига экспорт қилинади. Асосийси, пахта хомашё сифатида арзон нархларда эмас, балки қайта ишланиб, тайёр маҳсулот сифатида қимматга сотилади. Президентимизнинг эътирофига сазовор бўлган бундай корхоналарни хоҳ иқтисодий зона ҳудудида бўлсин, хоҳ кластерлар таркибида бўлсин, кўпайтириш имкони бор. Бунинг учун яна ўша ташаббускорлик, фидойилик керак.

Қишлоқ хўжалигида кластерлар ташкил этиш фақат пахтачиликни эмас, балки бошқа соҳаларни ҳам тубдан ривожлантиришга, агросаноатни юксалтиришга ҳисса қўшади. Айтайлик, полиз маҳсулотларини етиштириш борасида замонавий технологиялардан фойдаланиш яхши самара беради. Илгари воҳа аҳлининг қиш пайтида помидор, бодрингга бўлган талабининг бир қисми шахсий хўжаликлардаги иссиқхоналарда етиштирилган маҳсулотлар ҳисобига қопланарди. Маҳсулот таннархи қиммат, ҳосилдорлик эса ўзига яраша эди. Энди янги, замонавий иссиқхоналар барпо этилмоқда.

Янгиариқ туманидаги "Global Food impeks" МЧЖ ана шундай корхоналардан бири. Унинг ҳудуди 10 гектардан иборат. Бу ерда бодринг ва помидор етиштирилади. Ҳосилни етиштиришда гидропоника усули қўлланилади. Ҳар бир кўчат кокос пўстлоғидан бўлган махсус ўрамга экилади. Кўчатлар томчилатиб суғорилади ва минерал ўғит сувга қўшиб берилади. Иссиқхонада йилига 3 минг тонна бодринг, 2 минг тонна помидор етиштирилмоқда. Маҳсулотлар вилоят бозорларига чиқарилишдан ташқари, хорижга ҳам экспорт қилиняпти. Шу йилнинг дастлабки икки ойида 450 минг долларлик помидор Россия бозорларида сотилган. Хуллас, корхонада 250 нафардан зиёд одам иш билан таъминланиб, даромад ҳам кўпаймоқда.

Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Иссиқхонада помидорнинг Нидерландиядан келтирилган нави экилади. Ҳосилдорлиги юқори, ҳар гектар ердан 400-450 тоннагача помидор олиш мумкин. Ҳосил йиғиб олинганидан кейин салкам бир ойгача яхши сақланади. Кокос пўстлоғи Шри-Ланкадан, ўғитлар Нидерландиядан келтирилади. Булар катта маблағ талаб қилади. Масалан, Нидерландиядан келтириладиган кальций нитратнинг тоннаси 1000 доллардан ортиқ. Шу билан бирга, иссиқхонада ҳозирги пайтда туркиялик агрономлар фаолият юритади. Хўш, юқоридагиларни четдан келтирмай, ўзимизда ишлаб чиқариш имкони йўқми? Дейлик, олимларимиз помидорнинг Нидерландиядан келтириб экиладиган навига ўхшаш янги нав яратса, кокос дарахти пўстлоғи ўрнини босадиган табиий манбани ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйсак бўлмайдими? Ёхуд кальций нитрат ўғитини юртимизда ишлаб чиқариш имкони йўқми? Бор. Бунинг учун олимларимиз жиддий илмий изланишлар олиб бориб, соҳаларда кашфиётлар қилиши лозим. Зеро, 2020 йилнинг Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб номланиши асосида ҳам шу мақсад ётибди.

Шу йилнинг дастлабки икки ойида 450 минг долларлик помидор Россия бозорларида сотилган. Хуллас, корхонада 250 нафардан зиёд одам иш билан таъминланиб, даромад ҳам кўпаймоқда.

Яна бир гап. Вилоятда шоли экиш, гуруч етиштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Илгари бу ишга тўсиқлар бўларди. Деҳқонлар бўғдойдан бўшаган майдонларда яширинча шоли етиштирарди. Энди шоли экиш учун йўллар очилди. Олимлар фикрича, Хоразм гуручи тўйимлилиги, витаминларга бойлиги, харидоргирлиги билан Хитой, Россия, Покистон, Ҳиндистон каби давлатларда етиштириладиган гуручлардан юқори туради. Шундай экан, воҳада гуруч етиштиришни агросаноат асосида ташкил этиш вақти келди. Бунинг учун шолини оқлайдиган, уни қадоқлайдиган, экспорт билан шуғулланадиган корхоналар, кичик заводлар, фирмалар ташкил этиш лозим. Бошқача айтганда, бу соҳада ҳам кластерлар яратиш, уни иқтисодиётни юксалтиришга хизмат қилдириш зарур.

Вилоятдаги яна бир соҳа — балиқчиликни ривожлантиришда ҳам ана шундай имкониятлар мавжуд. Айни пайтда Хоразмда 600дан ортиқ балиқчилик фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Кўплаб кўллар, балиқчилик ҳавзалари бор. Уларда бир неча минглаб тонна турли балиқлар етиштирилади. Етиштирилаётган балиқлар ҳозирги пайтда фақат тирик вазнда сотилмоқда. Аслида балиқлардан ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, балиқ консервалари, колбасалари, дудланган балиқлар каби турли озиқ-овқатлар тайёрлаш вақти етди. Бунинг учун изланиш, хорижий технологиялар асосида ишлаб чиқариш корхоналари яратиш керак. Ана шунда истеъмолчилар сони ошиб, фойда кўпаяди.

Узумчилик ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Ҳозирги кунда воҳадаги узумчиликка ихтисослашган фермер ва шахсий хўжаликларда мўл ҳосил етиштирилади. Лекин узоқ муддат сақлаш имконияти бўлмагани сабабли улар кузда арзон-гаровга сотиб юборилади. Қўштирноқ ичидаги тадбиркорлар ўша узумларни Қозоғистон, Россия, Беларусь, Украина бозорларида 20-25 минг сўмдан пуллайди. Бу ҳолат кишига шўролар давридаги пахтакорнинг қисматини эслатади. Наҳотки, қишлоқ, туманларда боғбонларнинг сархил узумларини 3-4 ой сақлаб берадиган совутгичлар қуриш қийин бўлса? Узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида бундай совутгичларни бемалол қурса бўлади-ку. Ана шунда боғбоннинг ҳам, фермер хўжалигининг ҳам, тадбиркорнинг ҳам даромади ошади. Четга кетаётган бойлик юртга қайтади. Зеро, мамлакатимиз Президентининг Хоразмда кўплаб агросаноат мажмуаларини барпо этиш, кластерлар яратиш борасидаги фикрлари заминида ҳам ана шундай улуғ мақсадлар кўзланган.

Қадрият

ЭЗГУЛИК ДУНЁНИ ҚУТҚАРАДИ



Собир ТУРСУНОВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати, педагогика фанлари доктори

Айрим давлатлар коронвирус пандемияси кўламини ўз вақтида англамади, баъзилар дунёга таҳдид солаётган хавфга беписанд қаради. Бундай ёндашув охир-оқибатда қандай оғир кулфатларни келтириб чиқараётганига барчамиз оммавий ахборот воситалари орқали гувоҳ бўлиб турибмиз. Хўш, бундан ким жабр кўрди ва кўрмоқда? Албатта, халқ!

Шундай мураккаб вазиятда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан узоқни кўзлаб, ўз вақтида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида юртимизда пандемиянинг оғир ҳолатлари олди олинди. Аввало, коронавирус пандемиясининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича стратегик режа жуда қисқа фурсатда қабул қилинди. Қолаверса, бу борада самарали тизим яратилганини касалликнинг олдини олишда, унга қарши курашишда, аҳолининг турмуши мураккаб аҳволга тушиб қолмаслигида ўз самарасини бермоқда.

Мазкур жараёнларда тиббиёт ходимлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларининг фидокорона меҳнати, матонати, ҳиммати баланд юртдошларимизнинг муруввати ҳам алоҳида таҳсинга сазовор.

Шу ўринда айтиш керакки, ўзбеклар табиатан меҳр-оқибатли, саховатли халқ. Беминнат ишларини бировга билдиришни истамайдиганлар ҳам кўп орамизда. Шундан бўлса керак, яхшилик, хайр-саховат, меҳр-оқибат, силаи раҳм каби улуғ фазилатлар азалдан халқимизнинг зийнати бўлиб келган.

Бунга биргина мисолнинг ўзи кифоя. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Шоаҳмад ота Шомаҳмудовнинг оиласи каби кўплаб ўзбек хонадонлари собиқ иттифоқнинг уруш олови авж олган ҳудудларидан қанчадан-қанча болалар, етимларни ўз бағрига олди. Қанча одамлар бу азиз диёрдан бошпана, меҳр ва эътибор, бахт, хотиржамлик, руҳий осойишталик топди. Буларнинг бари ўзбек халқининг нечоғлик меҳридарё, саховатли, бағрикенг эканининг яққол тасдиғидир. Бугунги кунда мамлакатимизда турли миллат ва элат вакилларининг аҳиллиқда истиқомат этиши, миллий маданий марказларнинг эмин-эркин фаолият кўрсатиши учун зарур барча шароит ва имконият яратилгани ҳам бунинг ёрқин исботидир.

Айни дамларда азалий қадриятларимиз бардавомлиги ўз исботини топмоқда. Бунга Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари ҳузурида ташкил этилган Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказлари фаолияти мисолида гувоҳ бўлиш мумкин. Ушбу марказлар орқали шу кунга қадар аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ҳомий ташкилотлар ҳамда саховатпеша фуқароларимиз томонидан тақдим этилган, тахминий нархи қарийб 23 миллиард сўмлик ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилгани, шу фурсатда хайрия тадбирлари давом эттирилаётгани таҳсинга лойиқ.

Яқинда Президентимиз саноат, қурилиш ва инфратузилма тармоқлари корхоналарининг тўлиқ ишлашини таъминлаш масалалари бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишида яна бир бор аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласида сўз юритди. Кўрилган чоралар натижасида аксарият вилоят ва туманларда корхоналар ўз ишини тўхтатгани ёки тўлиқ қувват билан ишламаётганига, бу ҳолат аҳоли ҳаётига таъсир ўтказаётганига алоҳида урғу берилди. Шу боис, ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд оилалар, ногиронлиги бор, ёлғиз яшовчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида тўхталиб, ҳозирги кунда вақтинча ишламаётган ва ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаб, уларни манзилли асосда озиқ-овқат, дори-дармон билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари халқимизга хос бўлган меҳр-саховат, ўзгалар ҳолидан хабар олиш, уларга беғараз ёрдам кўрсатиш каби юксак инсоний ташаббусларни юзага чиқариш мақсадида "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатини ҳаётга татбиқ этиш таклифини илгари сурди. Муқаддас Рамазон ойида бундай эзгу қадриятлар янада кенг қулоч ёйиши мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Эътиборлиси, эзгу ишларга бош қўшаётган саховатпеша тадбиркорларга давлат томонидан солиқ, лизинг, кредит тўловлари, зарур ресурслар билан таъминлаш бўйича турли имтиёз ва преференциялар берилиши назарда тутилаётгани Президентимиз сиёсатининг халқпарварлигини яна бир карра исботлайди.

Шубҳасиз, қисқа фурсатда "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати давлатимиз ва халқимиз қудратининг галдаги амалий намоёнига айланади. Савобталаб инсонлар, тадбиркорлар ўз атрофидаги ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларига имкон қадар ёрдам беришларига ишонамиз. Бинобарин, инсон эзгулик йўлида саъй-ҳаракат қилса, умрига, ризқига барака киради, ҳаёти осуда, қалби хотиржам бўлади. Энг муҳими, бундай эзгу ишлар туфайли кўнгиллар шод, дунёмиз обод бўлажак.

Онлайн семинар

ИСЛОМ ОЛАМИГА ЗИЁ ТАРАТУВЧИ МАЁҚ

Нодир МАҲМУДОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Икки йил муқаддам Мисрнинг Ал-Азҳар мажмуаси шайхи Аҳмад Таййибнинг юртимизга ташрифи чоғида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази билан Қоҳирадаги Ал-Азҳар университети ўртасида англашув меморандуми имзоланган эди.

Бу ҳужжат ҳадис илмининг ривожига беқиёс ҳисса қўшган ватандошимиз Имом Бухорий ва бошқа мутафаккирларнинг улкан илмий меросини ўрганиш, илмий-назарий ва услубий масалаларга бағишланган конференция, семинар, симпозиум, кўргазма ва тренинглар ташкил этиш, икки муассаса ходимларининг ўзаро тажриба алмашиши ва малака ошириши учун кенг шароитлар яратишда ҳамкорлик қилишини назарда тутади.

Англашув меморандуми ижроси доирасида куни кеча Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси билан ҳамкорликда **"Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан алломаларнинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси"** мавзусида онлайн семинар бўлиб ўтди. Унда марказ илмий ходимлари ҳамда юртимизнинг 60 дан зиёд олим ва тадқиқотчиси қатнашди. Иштирокчилар "Мовароуннаҳр уламоларининг илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси", "Мовароуннаҳр уламолари илмий меросини ўрганишнинг бугунги кундаги аҳамияти", "Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Янги Ўзбекистонда буюк аллома аждодларимиз илмий меросини ўрганишнинг янги платформаси сифатида" каби масалаларни муҳокама қилди.

Онлайн шаклда кечган семинарда Мисрнинг Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси бош котиби Назир Муҳаммад Аяд ҳам иштирок этди. Таниқли олим Имом Абу Мансур Мотуридий ҳақида сўзлаб, у зот мусулмон умматининг буюк алломаларидан бири бўлиб, Аллоҳ таоло Ислом динининг соф ақидасини шу улуғ алломанинг илми ва яратган мактаби шарофати билан муҳофаза қилганини таъкидлади.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

Мисрлик олим Назир Муҳаммад Аяд 1995 йилда ҳуқуқ, фалсафа ва дин асослари бўйича бакалавр, 2000 йилда магистрлик даражасини олган. Турли йилларда Мансура ва Кафр аш-Шайхдаги университетларда фаолият юритган. 2016 йилда профессор даражасига эришган. Назир Муҳаммад Аяд қатор университетларнинг мукофотлари билан тақдирланган, 30 дан ортиқ китоб ва кўплаб илмий мақолалар муаллифи.



— Мотуридия таълимоти мактаби инсоният цивилизациясининг ривожланишида муҳим ўрин тутади, — деди Назир Муҳаммад Аяд. — Имом Мотуридий нафақат ақида ва илми каломда, балки тафсир, фиқҳ, дин асослари, мантиқ ва қиёсий диншунослик соҳаларида ҳам илмий изланишлар олиб борган етук олим сифатида эътироф этилади. "Таъвилот ал-Қуръон" асари тафсир илмига оид бўлса-да, уни ўқиган киши ақлий ва нақлий ҳамда араб тилига оид илмлар жамланганига ҳам гувоҳ бўлади. Мотуридия мактаби шундай собит ва мустаҳкам йўналишни яратдики, у башарият цивилизациясининг турли даврларида, айниқса, ислом тамаддунининг шаклланиши ва ривожланишида ғоят муҳим ўрин тутди. Хусусан, бугун ислом ақидаларини Имом Мотуридий қаламига мансуб "Таъвилот алл- Қуръон" ва "Тавҳид" каби асарларсиз мукаммал тасаввур этиб бўлмайди. Алломанинг қиёс, мисол, мантиқ ва мунозара бобидаги юксак тафаккури, турли зид оқимларга раддиялари жаҳолатга қарши курашда муҳим манба вазифасини ўтамоқда.

Назир Муҳаммад Аяд мотуридия таълимоти ашъарий мактаби билан бирга аҳли сунна вал жамоани тўлдириб туришини таъкидлади. Унинг фикрича, мотуридия таълимотига оид жаҳон кутубхоналарида сақланаётган қўлёзмаларни ўрганиш ва тадқиқ этиш баробарида ушбу таълимотнинг кашф қилинмаган жиҳатларини биргаликда, яқин ҳамкорликда очиш вақти келди.

— Ўзбекистон қадим ва бой тарихга эга, дунёга кўпдан-кўп етук аллома ва мутафаккирларни етиштириб берган буюк диёр, — деди семинарда иштирок этган яна бир атоқли исломшунос, Туркия ислом илмлари академияси раҳбари шайх Аҳмад Даманҳурий. — Киндик қони бу заминга тўкилган уламоларнинг ҳар бири бутун ислом оламига зиё тарқатиб турган маёқдир. Хусусан, Имом Мотуридий нафақат Ўзбекистон фахри, балки бутун мусулмонлар пешвосидир. Ўзбекистонда бугун яшаётган авлод Имом Бухорий ва Имом Насафий каби мовароуннаҳрлик уламолар илмий меросини ўрганишда бошқаларга нисбатан масъулроқдир.

Туркия ислом илмлари академияси раҳбари Мовароуннаҳр уламоларининг ҳаёти ва илмий меросини ўрганишда юртимизда янада сермаҳсул тадқиқотлар олиб борилишига қатъий ишонч билдирди.

Кун қаҳрамонлари

БЕМОРНИНГ КЎЗЛАРИДАГИ ИЛТИЖОНИ КЎРИБ, ЎЗИМНИ ҚЎЛГА ОЛДИМ...

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ФИДОЙИЛАРЧА ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДАЛАР

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Юртимизда Covid-19 инфекцияси таъсирида юзага келган касалликлардан шифо топиб, яқинлари бағрига қайтаётган юртдошларимиз сони ҳам кундан-кунга кўпаймоқда. Бунда малакали ва жонкуяр шифокорлар қаторида истарали, ширинсўз ҳамшира ва кичик тиббиёт ходимларининг ҳам ўз ўрни бор.



Республика Вирусология илмий-текшириш институти клиникасида беморларни даволаётган тиббиёт ходимлари навбатма-навбат ўрин алмашмоқда. Улар юксак миннатдорлик ва эҳтиром билан ўн тўрт кунлик изоляцияга кузатилмоқда. Бундай тиббиёт ходимлари орасида шаҳар 5-юқумли касалликлар клиник шифохонасидан жўнатилган саккиз нафар ҳамшира ҳам бор. Улар бор куч ва маҳоратини ишга солиб, бир-бирини қўллаб, беморларнинг соғайишига ўз ҳиссаларини қўшдилар...

ҚЎРҚУВ ЙЎҚ ЭМАСДИ

25 мартнинг сокин кечаси. Ҳамшира Шарофат Дадабоеванинг қўл телефони жиринглади. Унга шифохона бош ҳамшираси эрталаб соат саккизда ҳамма зарур анжомларини олиб, тайёр бўлиб келишини тайинлаб, Вирусология илмий-текшириш институти клиникасига жўнатилишини маълум қилди. Гарчи, йигирма бир йиллик иш тажрибасига эга Шарофат ўз хоҳиши билан кўнгиллилар гуруҳига ёзилган, бир куни улар ҳам сафарбар этилишини билган бўлса-да, қалбини алланечук ғулғула эгаллаганди. Тўрт фарзанди кўз олдидан ўтди. Тўнғичи ўн тўққизга кирган, укаларини бемалол эплашига кўзи етади. Аммо кенжаси... “У ҳали эндигина икки ёшдан ошган. Менга ичикиб қолмасмикан”, ўйлади у. Лекин юрагида хавотир билан бирга, Ватанга дахлдорлик, фидойилик ҳисси ҳам жўш ура бошлаганди. Шунча кўнгиллилар ичидан танлаб олингани, жамиятга керакли инсон эканини англаб, ўзини қўлга олди ва ишга отланди.

26 март. Шарофат сингари ўз касбининг моҳири, бир неча йиллик тажрибага эга, беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсата оладиган яна етти нафар ҳамшира танланиб, Вирусология илмий-текшириш институти клиникасининг маркази — реанимация бўлимига жўнатилди. Бу саккиз ҳамширани оғир беморлар билан ишлай олиш кўникмаси ҳамда хасталикка муросасизлик ҳисси бирлаштириб турар эди. Том маънода саккиз ҳамшира жангчи мисоли уруш ўчоғига йўл олганди.

— Республика Вирусология илмий-текшириш институти клиникасига боргач, бир кун давомида эпидемиологлар бизга ҳимоя воситаларидан тўғри фойдаланишни ўргатди, — дейди Шарофат Дадабоева. — Ҳамкасбларим билан қайта-қайта машқ қилдик. Сабаби, ҳимоя кийими, ҳаттоки ниқоб ва қўлқопларни ҳам кийиб-ечиш қоидалари бор. Бу ўринда йўл қўйилган кичик хато ёки эътиборсизлик ҳам касалликни юқтиришга замин яратади. Ишхонамизда олган билимларимиз қўл келиб, бу кўникмани дарров ўзлаштирдик. Энди эртанги иш куни бошланишини ҳадик билан кута бошладик. Менимча, мен билан келган ҳамшираларнинг барчаси тунни бедор ўтказган бўлса керак. Тонг отди. Соат тўққизда навбатчиликни қабул қилдик. Бизни оғир касаллар бўлимига қўйишди. Улар томон кетиб борар эканман, қалбимни қўрқув аралаш турли ўй-хаёллар эгаллай бошлади. “Инфекцияни юқтириб олсам, тўртта болам бўзлаб қолмайдими?” каби фикрлар миямда айланар эди. Менга бириктирилган беморнинг кўзларидаги илтижо ва мунгни, бизга мўлтираб турган илинжли нигоҳларни кўриб, дарҳол ўзимни қўлга олдим. Улар менга қараб турганида, ўзимни ожиз ҳис этиб турсам, қандай ёрдам бера оламан, деган ўй менга журъат бағишлади. Дадил ишга киришдик. Кейин билсам, ҳамроҳларимнинг қалбидан ҳам шундай ўйлар ўтган, беморлар кўзидаги илинж уларга куч бағишлаган экан...

> **Энг ривожланган давлатларда ҳам назорат қўлдан кетиб, кунига юзлаб, минглаб беморлар вафот этаётганини кўряпмиз. Шукрки, бизда шифокорлар 12 соатдан, ҳамширалар эса 6 соатдан навбат алмашиб, бир дақиқа бўлса-да, вирусга чалинган беморларни эътибордан четда қолдирмаяпти.**

Орадан бир кун ўтиб кутилмаган воқеа содир бўлди. Ҳамширалар келган пайтда аҳволи ўта оғир деб баҳоланган бемор вафот этди. Ана энди янги ишга киришган саккиз ҳамширанинг аҳволини тасаввур қилаверинг. Бироқ шундай мураккаб вазиятда ҳам улар иродасини намоён эта олди. Масофа сақлаган ҳолда имо-ишоралар билан бўлса-да, бир-бирига суянч бўлди. Катталар кичигини қўллади, кичиклар катталарга ҳурмат кўрсатди.

НАЗОРАТ, МАСЪУЛИЯТ, РАҒБАТ

— Ўлим ҳолати барчамизни эсанкиратиб қўйди, — дейди муолажа ҳамшираси Дилфуза Содиқова. — Лекин учинчи кундан бошлаб ўзимизни батамом қўлга олдик. У ердаги малакали шифокорлар далда берди. Биз қатъий назорат остида ишимизни дадил давом эттирдик. Қолаверса, бир марталик ҳимоя кийимлари, ниқоб ва қўлқоплар борасида тақчиллик йўқлиги, шифокору ҳамширалар учун яратилган шароитлар кўнглимиздаги ғуборларни аритди. Тиббиёт ходимларининг ҳимояланиш даражаси жуда юқори эди. Қолаверса, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ускуналар ва даволаш чоралари ҳеч бир давлатникидан кам эмаслигини кўрдик. ОАВ орқали хабардор бўлаётганингиздек, кунига ўнлаб беморлар шифо топмоқда. Биз борган пайтда нисбатан оғир ҳолатда ётган икки бемор тузалиб, ҳозир махсус хоналарга олинди. Телефон орқали аҳволини сўраб турибмиз.

Энг ривожланган давлатларда ҳам назорат қўлдан кетиб, кунига юзлаб, минглаб беморлар вафот этаётганини кўряпмиз. Шукрки, бизда шифокорлар 12 соатдан, ҳамширалар эса 6 соатдан навбат алмашиб, бир дақиқа бўлса-да, вирусга чалинган беморларни эътибордан четда қолдирмаяпти. Ўзбекистон тиббиёти бугун ўз куч-қудрати ҳеч қайси мамлакатдагидан кам эмаслигини яна бир бор намоён этмоқда.

ТАРТИБ ҲАММА УЧУН БАРОБАР

— Реанимация бўлимига киришдан олдин тартиб бўйича кийинамиз. Кейин бир-биримизнинг тўғри кийинганимизни текширамиз. Шу бўйи соат 9:00 дан 15:00 гача на егулик еймиз, на бир қултум сув ичамиз. Ҳимоя кийимимизда ўзгариш бўлмаслиги учун бундан тийиламиз. Олти соатлик ишдан сўнг ҳамроҳимизга навбатчиликни топширамиз. Шифокорлар эса у ердаги беморлар ичган сувнинг ҳар томчисигача назорат қилиб туради. Ҳамширалар ҳар бир қилган муолажасини ёзиб боради, — дейди Шарофат Дадабоева. — Бемор бир жойда узоқ ётса, ётоқ яраси тошиши мумкинлигини яхши биламиз. Касаллик билан курашиб ётган бемор учун у ортиқчалик қилади. Тошманинг олдини олиш учун беморларни дам ўнг томонга, дам чап томонга ёнбошлатиб, енгил уқалаб турдик. Бундан ҳам қийини — ўпканинг сунъий вентиляцияси аппаратини ўчириб туриш ва қайта улаш жараёни. Баъзи беморларни овқатлантириш ёки дори ичириш пайтида бу аппаратни тўхтатиб турардик. Биласизми, зиммасидаги улкан масъулият инсонни янада дадил қилиб қўяр экан. Биз, ҳамширалар барчасини уддаладик. Санитария-эпидемиология қоидаларига қатъий амал қилиш эса диққат-марказимизда турди. Реанимациядан чиқиб, бир сидра ҳимоя кийимини ечсак, ётоқхона биносига кираверишда иккинчи ҳимоялагичдан халос бўлардик. Шундан сўнг тўғри махсус гигиеник душ қабул қилиб, уст-бошимизни янгисига алмаштирардик. Ундан кейин антисептик воситалар билан қўлимизни артиб, хонамизга кирардик. Баъзилар олти соат, баъзилар ўн икки соат дам олиб, яна ишга қайтар эди. Айни пайтда ўзимиз изоляциядамиз. Энди бизга ғамхўрлик қилиняпти. Бу ердаги имкониятлар ҳам аъло даражада. Шу ўринда биз учун бекаму кўст шароит яратиб берган Президентимизга ва бизни дуо қилаётган халқимизга раҳмат айтамиз...

“ҚАДРДОНЛАРДЕК ХАЙРЛАШДИК”

Ҳамширалар билан суҳбатлашар эканман, беихтиёр кўзларимга ёш келди. Уларнинг суратларига қараб, ҳар биридан улкан бир қаҳрамон ясадим. Айтаётган ҳар бир гапи юракдан чиқаётганини ҳис қилдим. Айниқса, ҳамширалар ичида ёши улуғи Наргиза Алимшайхованинг сўзлари кишини тўлқинлантирмасдан қўймайди.

— Мен жимжимадор сўзлашни билмайман, — дейди у. — Лекин шуни айта оламанки, у ерда ўтган ўн етти кунлик ҳаёт менга яшашнинг асл мазмунини англашга, касбимиздан фахр туйишга туртки берди. Одамларга, айниқса, беморларга ёрдам қўлини чўзиш асл бахт эканини англадик. Ишонасизми, хизматимиз тугаб, улар билан хайрлашаётганда худди фарзандимиз, ука-синглимиз, қадрдонимиздан узоқлашгандек ҳис қилдик ўзимизни. Ахир улардаги ҳар бир ўзгаришни боламизнинг атак-чечак қилиши, қадам ташлаши, юриши, илк сўз айтишидан хурсанд бўлгандек суюниб қабул қилардик-да.

Саккиз нафар тиббиёт ходими билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Улар қаторида яна Замира Абдураҳмонова, Дилфуза Содиқова, Гулбаҳор Суннатова, Люция Мамлееванинг фикрларида ҳам умумийликни кўрдим: бу шукроналик ва фахр. Сўзлаганларимиз жонкуяр ходимлардан бир гуруҳининг фаолиятидан бир шингил, холос. Аслида уларнинг сони кўп. Жимгина, фидойиларча ўз ишларини давом эттирмоқдалар.

Дилдаги гап

“...ҚОФДИН ОРТУҚ САБОТИМ БОР”



Давлатнинг энг катта бойлиги халқ, эл, деб билган, шарафлаган Президентимиз бошчилигида кейинги йилларда пайдо бўлган моддий-маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳамда ички ва ташқи сиёсатдаги, умуман, давлат бошқарувининг барча тизим ҳамда бўғинларида лоқайдлик, халқ ҳаётидан узоқлашиш каби салбий оқибатлар сабаб юзага келган бўшлиқларни қайта тўлдираётган Янги Ўзбекистон сари дадил қадам ташладик.

Буробия РАЖАБОВА,
Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти катта илмий ходимаси, филология фанлари номзоди

Муҳими, мустаҳкам, юксак иродали, саботли, ҳаётнинг турли синов ва машаққатларига чидамли кўп миллатли халқмиз. Улуғ Навоий ибораси билан айтсак, **“Қофдин ортуқ саботи бор”** халқларданмиз.

Дунё халқларига таҳдид солган тоҳдор вирус инфекцияси бизнинг мамлакатни ҳам четлаб ўтмади. Мана, бир ойдан ортиқ вақт карантиндамиз. Президентимиз бу офатнинг олдини олиш, инфекциянинг халқимиз орасида кенг тарқалиб кетмаслиги учун барча зарур, самарадор чора-тадбирларни кўрди ва кўп миллатли халқимизга бир неча бор мурожаат йўллади. Бугуннинг муҳим шиори сифатида “Куч — соғлиқда”, “Куч — тартибда” ва “Куч — бир ёқадан бош чиқаришда, бирдамликда” эканини яна бир бора тушунтириб берди. Туркий тилли давлатлар раҳбарларининг онлайн тарзда бўлиб ўтган саммитида мазкур тоҳдор вирус инфекциясига қарши дунё халқларининг биргаликда курашиши билан боғлиқ устувор йўналишларни олға сурди. Президентимизнинг айни синовли кунлардаги тарихий характердаги ушбу мурожаатларига халқимизнинг “лаббай” деб якдиллик билан жавоб бериши эса ёдимизга миллатпарвар шоир Турди Фароғийнинг бирдамлик, ўзаро ҳамжиҳатлик каби илғор ғояларнинг чуқур фалсафий, маърифий маънолари маҳорат билан бадиий талқин қилинган “Кенглик қилинг...” ғазалидаги машҳур байтини эсга солади:

Бир ёқадин бош чиқариб, барча бир тўнға кириб,
Бир ўнгурлик, бир тиризлик, бир ёқо-енглик қилинг.

Донишманд халқимизга синов ва машаққатларга нисбатан кучли, мустаҳкам ирода, сабот, барқарорлик сингари туғма фазилатлар, азалий қадриятлар ёрдам бермоқда. Ушбу фазилатларни мумтоз шоиру адибларимиз ўз ижодларида тараннум ва тарғиб қилиб келган бўлсалар, уларга амал қилган инсонлар нафақат ўз даври, балки барча замонларнинг зарур кишиларига айланган.

Шу ўринда Соҳибқирон Амир Темур билан боғлиқ ишончли манбаларда келтирилган ниҳоятда ибратли ҳаётий лавҳага диққат қилсак: “Темурбек илк жангларидан бирида катта талафот билан мағлуб бўлади — гўё ер билан яксон бўлиб, куйган бағрини зах тупроққа бериб ётиб қолади. Шунда бироз ўзига келиб, ғамга тўла тийрак кўзларини очса, нигоҳи тепаликка ризқ олиб чиқаётган бир чумолига тушади ва ҳушёр тортиб, диққатини жамлаб, чумолининг ҳаракатини эринмай кузата бошлайди. Чумоли машаққат билан юқорига ўрмалар, аммо нимагадир бот-бот пастликка юмалаб тушиб кетаверарди. Бироқ ўзидаги юксак иродага ишонган чумоли яна юқорига ўрмалашдан тўхтамасди. Ниҳоят у уриниб-уриниб, тепаликка чиқиб олади ва мамнунлик билан ризқини кўтариб, ини томон ўрмалаб кетади. Чумолининг бундай синов ва машаққатга етган чидами, юксак иродаси, саботу бардоши, тоқати Соҳибқиронни ҳайратга солади. Кейин эса болалигида устози айтиб берган, яъни чумолилар ҳукмдори Миндир онанинг чумолилар хайлини ўз ақли, заковати ва юксак иродаси билан Сулаймон пайғамбарнинг лашкарлари оёғи остида ҳалок бўлишидан сақлаб қолишдаги тадбири ва унинг тадбирига Сулаймон (а.с.) нинг лол қолиши, малик чумоли билан савол-жавоб қилиши, кафтига олиб эъзозлаши акс этган сюжетга қурилган “Чумоли ва Сулаймон пайғамбар” қиссасини эслайди. Соҳибқироннинг жасоратга тўла қалбини умиду ишонч қамрайди, катта машаққатлар ортда қолишини, уни Аллоҳ буюк ишлар қилиш учун яратганини, келажакда уни улуғ ишлар, зафарли юришлар, омадли, бахтли дамлар кутаётганини ва 27 давлатни бирлаштирган улкан империяга, шонли сулолага асос солишини, қийинчиликлар инсон учун бир синов, бир вазифа эканини англаб етади. Ва кейинчалик, ўзи ишлаб чиққан тузук, тадбир, ясо, рой, дастурлари билан дунё тамаддунига сезиларли таъсир қилган Темурийлар Уйғониш даврига асос солди”.

Улуғ Навоийнинг юқорида биз ёдга олган *“Қофдин ортуқ саботи бор”* эътирофининг талқинига яна алоҳида диққат қилсак. Аждодлар тасаввурида Қоф бутун дунёни ўраб олган муаззам тоғдир. Бу ибора орқали буюк мутафаккир, бир томондан, “Қофдин ортуқ” дея бадиий маҳорат белгиси саналган сифатлаш ва муболаға каби бадиий санъатлари билан тавсифласа, иккинчи томондан, ижодкор ва давлат арбоби сифатидаги сермашаққат фаолияти билан характерланади. Давлат арбобларига, умуман, илғор кишиларга хос муҳим хислатлардан бири мустаҳкам, юксак иродага, сабот, бардошга лексик урғу беради, “саботим бор” дея фахрланади, ўзига ишонади, ўзгаларни ҳам ишонтиради. Улуғ шоирнинг катта ниятига янада ҳурмат, ишонч билан ҳаяжонли тассуротлар ичра назар ташлар эканмиз, бизга даҳо сўз санъаткори бир ҳаётий ва фалсафий жумбоқни тушунтиргандек бўлади. Яъни, биринчидан, имоннинг икки томони бўлган сабр ҳамда шукр туйғуларини англатиш бўлса, иккинчидан, ҳар бир имонли инсонда юксак иродада, синов ва машаққатларга саботли, бардошли, тоқатли бўлиши керак эканини бадиий талқин қилиб беришидир. Навоийдаги юксак ирода, сабот ҳайратланарли, Қоф тоғидан ҳам ортиқ чидам, бардош, сабот. Шу саботу бардошлар шоирга улуғлик, эзгулик келтирган бўлса ёки синовли, машаққатли дамларга чидаб, саломат чиқиб, гўзал асарлар ёзишга, кўплаб ижтимоий характердаги хайрли ишларга мураббий ва муқаввийлик қилишга ундаган бўлса, не ажаб. Демак, мутафаккир шоирнинг ушбу эътирофи билан яқиндан танишган ҳар бир инсон сабрни, шукрни ҳис қилиши билан бирга, ўзидаги юксак ирода, сабот ва бардошнинг, синов ва машаққатларга чидамлилик “индекс”ининг қай даражада эканини ҳам англаб етмоғи, ҳамиша унга суянмоғи, ўзини назорат қилмоғи, тарбияламоғи зарур. Ана шунда у ўзининг ҳаёт йўли ва комиллик сари интилишларининг оқибатли, хайрли, омадли кечишини тушуниб етади.

Навоийнинг бардош, сабот ҳақидаги фикрлари унинг раҳнамолигида фаолият кўрсатган Ҳирот сарой кутубхонасида тайёрланган Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” асаридаги сабот ҳақидаги 14-боб ва шу бобга хулоса ўрнида тамсил қилинган шоҳбайтни ёдимизга туширади:

Иш биносин сабот узра сол, эмин бўл,
Ҳар иморатки тушар асл уза бўлғай маҳкам.

Ёки улуғ шоирнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида малика Меҳинбону ҳам она, ҳам ҳукмдор сифатида Ширинниинг кўнглини кўтариш учун айтган насиҳатлари қайсидир маънода бугунги ташвишли кунларда замондошлар кўнглига, руҳига ҳам қувват бўлиши мумкин. Энди

> **Фуқароларимизнинг “Уйда қолинг, уйда ҳаёт бор”, деган бугуннинг ҳикматига тўлиқ риоя қилиб, карантинда бўлишида, уларнинг соғлом турмуш тарзи, ўзаро тинч-тотув, аҳиллиқда ўтиришида ҳар бир уйнинг фариштаси бўлган аёлларимизнинг алоҳида роли бор.**

Меҳинбону насиҳатига қулоқ тутайлик ва айни дамдаги карантин билан боғлиқ синов ва машаққатларга бардошли бўлишга интилайлик:

Ки, эй фарзанд, бир дам тут ўзунғни,
Даме асра кўнгул бирла кўзунғни!

Бу ерда малика Меҳинбонуни беҳуда эсламадик. Чунки фуқароларимизнинг “Уйда қолинг, уйда ҳаёт бор”, деган бугуннинг ҳикматига тўлиқ риоя қилиб, карантинда бўлишида, уларнинг соғлом турмуш тарзи, ўзаро тинч-тотув, аҳиллиқда ўтиришида ҳар бир уйнинг фариштаси бўлган аёлларимизнинг алоҳида роли бор. Демак, шу ўринда уларнинг беминнат хизматларини улуғлаб, улар шарафланган “Сомон чўпи” номли ибратли ҳикоятни келтирсак, мақсадга мувофиқ бўларди:

“Бир туркий султон мулозимлари билан сафардан қайтар экан, куннинг ниҳоятда иссиқлигидан захирадаги сувлари ҳам тугаб қолибди. Бир амаллаб, сувсизликдан ҳориб, чарчаб йўл четида жойлашган қишлоққа етиб келибди ва тўхтабди. Султоннинг бир мулозими сув излаб, биринчи уйнинг эшигини қоқибди. Эшик қия очилиб, бир муштипар онахон чиқибди. Мулозим онахондан сув сўрабди. Онахон ҳаял ўтмай, сопол косада тўла муздай айрон олиб чиқиб берибди. Султон айрон тўла сопол косани қўлга олар экан, кўзи айрон устида сузиб юрган уч дона сомон чўпчасига тушибди. Савол беришга сабри чидамай, ҳукмдор айрон устида сузиб юрган сомон чўпчаларини пуфлаб-пуфлаб, секин-аста симира бошлабди, ичиб бўлгач, ўзида бир ажиб роҳат туйибди. Шунда мулозимларидан бирига уни яхна айрон билан сийлаган онахонни чақириб келишини буюрибди. Мулозим онахонни чақириб келибди. Ўзаро салом-аликдан кейин султон унга савол берибди: “Эй онахон, жуда мазали, яхна айрон билан мени меҳмон қилдинг, раҳмат, кўп роҳатландим, лекин нима учун айронга уч дона сомон чўпини солиб қўйдинг?” Онахон султонга узоқ умр тилаб дебди: “Адолатли ҳукмдорим, бир қошиқ қонимдан кечинг. Асло ғараз ниятим йўқ эди, аксинча, сизнинг соғлиғингизни ўйладим, шу сомон чўпчаларини пуфлаб, секинлик билан ичишингиз учун сопол коса ичига атайин солиб қўйдим. Агар сомон чўпчалари бўлмаганда бир коса айронни пуфламай ичар эдингиз ва нозик мижозингиз шамоллаб, касал топиши мумкин эди. Ҳаво жуда иссиқ, узоқ йўлдан чарчаб, танангиз қизиб кетганини биласиз. Сомон чўпчаларини ҳар пуфлаб ичганингизда, ичингиздаги ҳарорат қисман чиқиб кетди”. Султон онахоннинг ўткир ақли, фаросатига ва ўз оиласида ташкил қилган соғлом турмуш тарзига таҳсин айтибди. Саройга келгач, сахий ҳукмдор ҳиммат кўрсатиб, унга фарзандлари билан уйини қайта қуриб олишга етадиган маблағ жўнатибди”.

Донишманд ота-боболаримизнинг “Гап машаққатга, қийинчиликка ёки маломатга тушишда эмас, балки саломат чиқишда”, деган ҳикматини ёдга олсак, Президентимиз раҳнамолигида ўзига ва жумлаи жаҳонга яхшилик, ободлик истаган фидойи халқимизнинг коронавирусдек табиий офат балосидан саломат, талафотсиз қутулиб чиқишларида юксак ирода, синов ва машаққатларга чидамли, бардошли, саботли, тоқатли бўлиш каби фазилатлар “индекс”ининг аҳамияти каттадир.

Рамазон — сабр ойи. Бу йил сабримизни икки ҳисса оширишга тўғри келади. Бири рўза тутиш билан боғлиқ машаққатлар бўлса, иккинчиси Аллоҳ таолонинг синови бўлган коронавирус хасталигига қарши сабр-матонат билан курашишдир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 25 апрель, 67-сон

Қутлуғ кун ҳикмати

Ойлар султони – моҳи РАМАЗОН

ЮРТИМИЗГА ҚУТ-БАРАКА ВА ОФИЯТ ОЛИБ КЕЛСИН!



Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари

Мусулмон олами, хусусан, юртимиз аҳли муборак Рамазон ойини катта ҳозирлик билан қарши олди. Эзгулик, меҳр-шафқат ва сабр-қаноат ойи бўлган фазилатли раҳмат ойи бу йил дунёда коронавирус касаллиги кенг тарқалган оғир даврга тўғри келмоқда. Ана шундай қийин шароитда ҳам динимиз буюрган амалларни оила даврасида адо этиб келаётган мўмин-мусулмонларимиз ушбу фазилатли ойни Аллоҳ таолонинг чексиз раҳмати ва мағфиратининг белгиси сифатида, эртанги кунга катта ишонч ва хурсандчилик билан бошлади.

Юртимизда ҳам ушбу хасталикка чалинганлар мавжудлиги барчамиздан ҳушёрликни янада кучайтириб, карантин тартиб-қоидаларига қатъий амал қилишни талаб этади. Ўз навбатида, бу йўлда чинакам қаҳрамонлик қилиб, жасорат кўрсатаётганларнинг ҳаққига мудом дуои хайрлар қиламиз.

Юртларни қут-баракага буркайдиган, офату балолардан узоқ қиладиган, гуноҳлар мағфират этилиб, илтижоларимиз мустажоб бўладиган раҳмат ойи ўлкамизда бир ойгина меҳмон бўлади.

Муборак Рамазон ойи рўзаси Исломнинг беш шартидан бири бўлиб, Қуръони карим оятлари билан рўза ибодати фарз қилинган. Ҳадиси қудсийлардан бирида Аллоҳ таоло томонидан: "Рўза мен учундир ва унинг мукофотини мен бераман", дейилади ва рўзанинг хос ибодат ҳамда улуғ савобга эга эканига ишора қилинади.

Ҳар бир илоҳий амрда ўзига хос ҳикмат бор. Рўзанинг барча хусусияти ва ҳикмати ёлғиз Аллоҳга аён. Бир нарса аниқки, Рамазон — раҳмат ва мағфират ойи, ойларнинг султони ва энг улуғидир. Рўза танага ҳам, руҳга ҳам файз бағишлайди. Моддий ва маънавий зарарлардан муҳофаза этади.

Бошқа ойларга нисбатан бу ойда Аллоҳга яқинлашиш, улуғ ажру мукофотларга сазовор бўлиш имкониятлари кўпроқ. Бу ойда қилинган бир савобли ишнинг ажри 70 маротаба кўпайтириб берилиши, Қадр кечасининг минг ойдан афзаллиги, бу кечада қилинган ибодатнинг ажри минг ойлик қилинган ибодатнинг савобидан ортиқлиги ҳар бир кишига руҳ бағишлайди.

Бу ойда ер юзининг турли тарафидаги мусулмонлар муштарак туйғу ва қарашлар билан бирлашади. Бир хил вақтда очиқадилар, чанқайдилар, эътиқодли ҳолатда Аллоҳга таслим бўладилар, муҳаббат намунасини кўрсатадилар. Яхшилик, хайру ҳасанот барчага баробар очилади. Аллоҳнинг афв ва мағфират хазинасидан ҳар бир мўмин ўз улуш ва насибасини олишга ҳаракат қилади. Кишилар рўза давомида ўзларини сабр-қаноат, машаққат ва қийинчиликларда тоблайдилар, Аллоҳ берган неъматларнинг қадрига етиш ҳақида ўйлайдилар.

Шубҳасиз, рўза исломнинг бошқа аҳкомлари ва ибодатлари каби жамият ҳаёти ва тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Хайру саховат ишлари мусулмонларни янада жипслаштиради, уларда меҳр-оқибат, дину диёнат туйғуларини жунбишга келтиради.

Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай хушхабар қилганлар: **"Агар бир киши рамазон ойида Аллоҳга яқинлигини мустаҳкамламоқчи бўлиб, бирор ибодат ёки хайрли амални бажарса, гўё рамазондан бошқа ойда бир фарзни бажаргандек бўлади. Ва кимки, рамазонда бир фарзни адо қилса, гўё рамазондан бошқа ойда етмишта фарзни адо қилгандек савобга эга бўлади".**

Ривоятларда Рамазон ойида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хайру саховатлари янада зиёда бўлиши ҳақида кўп бор баён этилган. Шунинг учун ҳам бу ойда ёрдамга муҳтож кишиларга моддий жиҳатдан ёрдамлашишнинг айни мавсумидир.

20 апрель куни Президентимизнинг **"Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"**ги қарори эълон қилинди. Унда Рамазон ойининг ҳозирги синовли даврни енгиб ўтишдаги аҳамиятини инобатга олиб, бир қатор муҳим вазифалар белгиланди. Ушбу вазифалар бугунги синовли дамларда мўмин-мусулмонларнинг қалбларига мамнунлик бахш этди, келажакка бўлган ишончларини янада мустаҳкамлади. Айниқса, эҳтиёжманд кишиларни қўллаб-қувватлаш, меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида урғу қаратилгани барчани бирдек мамнун этди.

Чунончи, жорий йил 20 апрель кунги видеоселектор йиғилишида ҳам Президентимиз "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати ташаббусини илгари сурди. Давлатимиз раҳбари муборак Рамазон ойида муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш улуғ ибодат эканини таъкидлаб, имкони бор ҳар бир кишини ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини, аввало, маҳалладошлари, қўни-қўшниларини қўллаб-қувватлашга даъват этди.

Рамазон ойи давомида Ислом динига хос бўлган диний-миллий қадриятлар, шукроналик ва саховатпешалик фазилатларини янада кучли намойиш қилиш, ёрдамга муҳтож оилаларга меҳр-мурувват кўрсатишнинг афзаллиги ҳақида динимизда кўп таъкидланган.

Саховатпеша кишиларимиз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: "Бева ва мискинга ғамхўрлик қилувчи киши Аллоҳ таоло йўлида саъй-ҳаракат қилувчи ёки кечалари билан тоат-ибодат қилиб, кундузлари рўза тутувчи киши кабидир", деган ҳадиси шарифларига мувофиқ, Аллоҳ таоло розилиги йўлида эҳтиёжманд оилаларга саховат кўрсатадилар.



Рамазон — Қуръон ойидир. Қуръони карим айни шу ойда нозил бўлган. Аллоҳ таоло бундай дейди: **"Рамазон ойи — одамлар учун ҳидоят (манбаи) ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойдир..."** (Бақара, 185). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ойда Қуръони каримни фаришта Жаброил алайҳиссаломга тўлиқ ўқиб берар эдилар. Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ Рамазон ойида ҳар куни бир марта хатм қилар эдилар.

Рамазон — сабр ойи. Бу йил сабримизни икки ҳисса оширишга тўғри келади. Бири рўза тутиш билан боғлиқ машаққатлар бўлса, иккинчиси Аллоҳ таолонинг синови бўлган коронавирус хасталигига қарши сабр-матонат билан курашишдир.

Бало-офат қанчалик шиддатли бўлмасин, унинг ортидан, албатта, енгиллик, нажот келади ва инсоннинг сабрига яраша улуғ ажрлар берилади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам **"Сабрнинг савоби, мукофоти — жаннатдир"**, деб марҳамат қилганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазон ойида мўмин кишининг ризқи зиёда бўлиши, дастурхон файзу баракага тўлиши ҳақида бундай деганлар: **"Бу ойда Аллоҳ мўминнинг ризқини кўпайтиради"**. Ҳақиқатан ҳам худди шундай ҳолатларга кўпчилигимиз гувоҳ бўламиз.

Салмони Форсий розияллоҳу анҳу бундай ривоят қиладилар: "Шаъбоннинг охирги кунида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга шундай хутба ўқидилар: **"Эй инсонлар! Улуғ ва муборак бир ойнинг сояси устингизга тушди. Шундай бир ойки, унда минг ойдан афзал бир кеча бор".**

Минг ойдан яхши бўлган кеча Қадр кечасидир. Қадр кечаси Рамазон ойида мавжуд бўлиб, қайси кундалиги яширилган, сир тутилган. Севимли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **"Рамазоннинг охирги ўн кунидаги тоқ кунлардан изланг"**, деб айтган. Шунинг учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ҳам муборак Қадр кечасини топиб, ундан фойдаланиш учун рамазоннинг охирги ўн кунини бедор ўтказардилар.

Жаноби Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам рўзадорларга хушхабар сифатида: **"Кимки Рамазон рўзасини имону ихлос билан тутса, ўтган жами гуноҳлари мағфират қилинади"**, деб етказади.

Аввал қайд этганимиздек, бу йилги Рамазон дунё бўйлаб коронавирус пандемияси тарқалган пайтга тўғри келмоқда. Аллоҳ таолонинг раҳмати ёғиладиган ойда бу балонинг даф бўлишини кўпчилик мўмин-мусулмонлар умид қилиб турибдилар. Чунки Аллоҳнинг раҳмати ҳам жисмимизга, ҳам қалбимизга шифодир. Шунингдек, бу муборак ойда кўпаядиган тиловати Қуръонлар балою офатларни инсоният бошидан узоқлаштиради.

Шунинг учун ҳам барчамиз қалбдан, ич-ичдан, астойдил дунё ва охират саодатини сўраб, дуо қилишимиз керак. Юртимизга гуноҳлар кечириладиган, жаннат эшиклари очилиб, дўзах эшиклари ёпиладиган, Парвардигори оламнинг раҳмат ва мағфирати жўш уриб, Ер юзига илоҳий нурлар ёғиладиган ой кириб келди.

Ушбу ойни ғанимат билиб, саҳарликларимизда, ифторликларимизда юртимиз тинчлиги, дастурхонимиз тўкинлигини, коронавирус балосининг тез фурсатда даф этилишини, ушбу хасталикка чалинган юртдошларимиз тезроқ шифо топишларини Аллоҳ таолодан сўрайлик. Бундай офатлар асло юртимиз остонасига йўламасин, беморларга комил шифо берсин!

Ёднома

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг ҳар бир сатри чин маънода халқимизнинг маънавий мулкига айланиб кетган десак, муболаға бўлмайди. Унинг таваллуд куни юртимизда ўзига хос адабиёт, шеърият байрами сифатида кенг нишонланиши ҳам шоирнинг нақадар элга суюклилиги, дилга яқинлиги сабаблидир. Андижоннинг чекка тумани – Марҳаматнинг Қовунчи қишлоғида туғилиб, вояга етган шоир ўз шеърларида таъкидлаганидек, ҳар баҳор унинг таваллуд айёми арафасида ҳовлиси олдидан оқиб ўтадиган Хизрариқ бўйи ялпизларга тўлади, қишлоқ четидаги Боботоғу шоир мангу қўним топган макон эса лолақизғалдоқларга бурканади.

ҚИЗҒАЛДОҚЛАР ШЕЪР ЎҚИР БУНДА...

Хуршида ВАҲОБЖОН қизи,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Андижон вилоят бўлими раҳбари, шоира



Андижон шаҳрида фаолият юритаётган Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабида бугунги кунда 302 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Олий тоифали 27 нафар ўқитувчи ўз устида тинимсиз изланиб, доимий тарзда билимларини ошириб боришга, янгича услубларда қизиқарли ва сермазмун дарс ўтишга ҳаракат қилади. Замонавий компьютерлар, барча фанларга мослаштирилган синф хоналари мавжуд, смартфон телемонитор ҳам ўқувчилар билим доирасини оширишга хизмат қилади. 2000 дан зиёд китоб фондига эга кутубхона, Муҳаммад Юсуф музейи, Ватанпарварлик музейи ташкил этилган. Кутубхонага Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томондан 1000 дан ортиқ бадиий адабиёт совға қилинди.

Президентимиз 2019 йили май ойида мазкур мактабда бўлиб, ўқувчи ва ўқитувчилар билан шоир ижоди ва ҳаёти ҳақида узоқ суҳбатлашган, мактаб фаолияти билан танишиб, ўзининг қимматли маслаҳатларини берган эди. Давлатимиз раҳбари томонидан жамоага совға қилинган автобусда ҳозир турли ижодий сафарлар уюштирилмоқда. Фарғона вилоятидаги Эркин Воҳидов, Наманганда Ибрат номидаги ижод мактабларига, вилоятдаги ҳарбий қисмларга, қатор туманлардаги ўқув юртларига адиблар, ижодкор ўқитувчилар, ўқувчилардан иборат гуруҳ ташриф буюриб, ҳамкорликда адабий-маънавий тадбирлар ўтказилаётгани ёш ижодкорларга кўтаринки кайфият бағишламоқда.

Ижод мактаби ва Андижон давлат университети филология факультети ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланган. Унга кўра, мактабда ихтисослик фанлари ўқитилишида университет профессор-ўқитувчиларининг илм ва тажрибаларидан фойдаланиш, ижодкор талабалар амалиётни мактабда ўташи йўлга қўйилди.

Жорий йилда Марҳамат туманида шоир номини абадийлаштиришга қаратилган катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Муҳаммад Юсуф туғилиб ўсган хонадонда замонавий ва миллий архитектура услубида уй-музей қурилди. Жами бир миллиард сўмдан зиёд маблағ эвазига қад ростлаган ушбу маънавият маскани шоир таваллуд топган кунда ўз эшикларини очади. Деворлар, дарвозаларгача янгиланиб, ландшафт дизайни бўйича ободончилик ишлари амалга оширилди. Уй саҳнига гулдор ғиштлар ётқизилиб, палония дарахтлари ўтқазилди.

Хонадонга деярли туташ бўлган, шоир таҳсил олган ва шоир номи билан аталувчи 25-умумтаълим мактабининг 640 ўринли ўқув биноси тўлиқ таъмирланиб, 360 ўринли янги ўқув биноси қад ростлади. 9 миллиард 200 миллион сўм маблағ эвазига бутунлай янги шароитга эга бўлаётган ушбу таълим муассасасида янги кутубхона, ошхона, 2 та мини стадион ҳам қурилди. Мактаб рўпарасига шоир бюсти ўрнатилди.

Шоир мангу ором топган қабристонда ҳам улкан ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Дарвоза ва деворлар янгиланди, замонавий ташқи ёритгичлар ўрнатилди, намозхоналар, таҳоратхона, дам олишга мўлжалланган айвонлар қурилди. Шоир қабри атрофи тўлиқ таъмирланди. Шунингдек, Муҳаммад Юсуф яшаган маҳалла ҳам янгича кўриниш касб этди. Ушбу ишларга вилоятнинг маҳаллий бюджетидан жами 1 миллиард 250 миллион сўм маблағ сарф этилди.

Асакадан Марҳамат марказигача бўлган кўча кенгайтирилиб, жами 21 километрли ушбу асосий йўлдан ташқари, шоир қишлоғигача борадиган йўл ҳам асфальтланди.

Шоир қишлоғида унинг хонадонига яқин турли пастқам дўконлар бор эди. Улар ўрнида тадбиркорлар томонидан 2 қаватли янги бинолар қурилиб, ўз фаолиятини бошлади. Шу яқин атрофга маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино ҳам қурилди.

Айни пайтда туманда 8 та ишлаб-чиқариш объекти қуриб битказилди. 300 ўринли 2 та тикувчилик цехи, янги тўйхона, маиший хизмат бинолари, ёпиқ сузиш ҳавзаси, спорт зали, шиша буюмлар ва сочиқ ишлаб чиқариш цехи, қувончилик фирмаси фойдаланишга топширилмоқда.

Марҳамат — қадимги Мингтепа эрамиздан аввал мавжуд бўлган Довон мамлакатининг Эрши шаҳридир. Халқ қаҳрамони Дукчи Эшон, кўплаб меҳнат қаҳрамонлари, адабиёт, санъат арбоблари, тадбиркор инсонлар юртидир. Шоир Муҳаммад Юсуф ҳам шу юртнинг зийнати, фахри. Унинг ҳаёт ва ижод йўли ёшларга ибрат, ватанпарварлиги бутун халқни бир мақсад атрофида жамлай олувчи кучга эга экани учун ҳам у суюкли ва қадрлидир. Шоир юрти вақт ўтгани сайин бетакрор зиёратгоҳга айланиб бормоқда. Қиру адирларни қоплаган алвон қизғалдоқлар ҳам бу йилги ўзгаришлар шаббодасидан таъсирланиб шеър ўқиётганга ўхшайди гўё...

Муҳаммад Юсуфнинг ёркин хотираси шеъриятга ошно халқимиз қалбида мангу яшайди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров
«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1177.
43642 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 21:45 Топширилди — 23:45 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов
Мусаҳҳиҳ: Мафтуна Мингбоева

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15